БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 159 (17.441). • 13 июль 1979 йил, жума • Баҳоси 2 тийин.

Ўзаро текшириш давом этмоқда

ҚЎШНИЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЛАРИ

Шофиркон районидаги Иброҳим Мўминов номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Эргаш Жумаев бошлиқ бригадасидан кўп нарсалар ўрганса бўлади. Бу ерда дала ишлари юксак агротехника даражасида олиб борилмоқда, коллектив ҳар бир аъзосининг меҳнати пухта ташкил қилинган.

Бригаданинг даласи намунали ҳолатда бўлиб, бегона ўтлардан батамом тозаланган. Ғўзалар зўр меҳр билан парвариш қилинмоқда, экинларга тўртинчи комплекс ишлов бериш ниҳоясига етказилди, «шарбат» оқизилмоқда.

Бу йил бригада деҳқонлари 60 центнерлик «оқ олтин» ҳосили учун курашмоқдалар. Бу маррага албатта эришилади. Қўшни Ғиждувон районидан хўжаликка келган ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари ана шундай хулосага келдилар. Меҳмонлар Жаббор Каримов, Мудир Изомов, Файзи Қиёмов бошлиқ бригадаларнинг далаларига ҳам юқори баҳо бердилар.

Ғиждувонлик деҳқонлар райондаги бошқа хўжаликларга ҳам бордилар. Улар ғўзаларни парвариш қилиш соҳасида юз бераётган бир қанча камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтдилар. Чунончи Ильич номли, «Шофиркон» совхозларида, «Ленинобод» колхозида суғориш қоидалари бузилмоқда, баъзи жойларда ғўзалар бостириб суғорилмоқда.

Текширувчилар уч минг гектар майдондаги ғўзаларга қўшимча комплекс ишлов беришни маслаҳат қилдилар, кечаси ишлаётган сувчилар ва механизаторлар учун зарур шароитларни яратишни, Шофиркон райони етиштириши лозим бўлган 60 минг тонна «оқ олтин» учун мусобақани кенг авж олдиришни таклиф қилдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида

ОЛИЙ МАКТАБНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Олий мактабни янада ривожлантириш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Олий мактаб, деб таъкидлаб ўтилади қарорда, партия XXV съезди қарорларини бажара бориб, халқ хўжалигини малакали мутахассис кадрлар билан таъминлашда муайян муваффақиятларга эришди ва бундай кадрларни тайёрлаш кўламлари жиҳатидан мамлакат эҳтиёжларини асосан қондираётир. Фан ва техниканинг энг янги йўналишлари соҳасида студентларнинг таълими ва мутахассисларни қайта тайёрлаш, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш ходимларининг малакасини ошириш ташкил этилди. Бу эса ривожланган социализм талабларига мувофиқ узлуксиз таълим системасини шакллантиришни тугаллашга ёрдам берди. Олий мактаб фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, халқ маданиятини ва социалистик жамиятнинг маънавий бойлигини янада ўстиришга тобора катта таъсир ўтказяпти.

Кўпгина ўқув юртларининг профессор ва ўқитувчилар коллективлари студентларга юксак профессионал ва ғоявий-назарий савияда таълим беришни таъминлаётгандар, мутахассислар тайёрлашни йирик илмий проблемаларни ишлаб чиқиш билан самарали равишда бирга қўшиб олиб бормоқдалар. Ижтимоий фанларни ўрганишни яхши йўлга қўйишда ижобий натижаларга эришилди. Барча олий ўқув юртларида бутун ўқиш даврида марксча-ленинча назариядан изчил дарс бериш ишлари жорий этилганлиги бу назарияни чуқурроқ ўзлаштириб олишга, бўлажак мутахассислари ғоявий-назарий жиҳатдан чиниқтиришга ёрдам беради. Студент-ёшларнинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати ўсди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети олий мактабнинг фаолиятида жиддий камчиликлар борлигига эътиборни жалб этдилар.

Ўқиш жараёнида фан, техника ва маданиятнинг энг янги ютуқлари, ишлаб чиқариш ва бошқаришни ташкил этиш соҳасидаги илғор тажриба ҳамиша ўз ифодасини топяпти, деб бўлмайди. Олий ўқув юртларини битириб чиқувчиларнинг бир қисми умумилмий фанлар юзасидан чуқур билимга эга эмас, уларнинг профессионал тайёргарлиги бўш. Студентларнинг мустақил ижодий ишини ташкил этишга, уларда ижтимоий-сиёсий ва ташкилотчилик фаолияти малакаларини шакллантиришга етарим даражада эътибор берилмаётир.

СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ўқув-методик ишга раҳбарликни етарли даражада амалга оширмаяпти, бутун олий мактабнинг фаолиятини яхшилаш йўлларини ишлаб чиқиш учун негиз бўлиб хизмат қиладиган олий ўқув юртларининг имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаяпти. Олий ўқув юртларининг илмий фаолиятини ривожлантириш ва ҳануз нуқсонлар бор. Олий мактабни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва илмий ускуналар билан таъминлаш соҳасидаги тадбирлар суст амалга оширилмоқда.

Мутахассислар тайёрлаш муттасил ортиб бораётганлигига қарамай, олий ўқув юртларини бошқариш органлари, план органлари, тармоқ министрликлари ва идоралар халқ хўжалигининг металлургия, кончилик ва нефть қазиб чиқариш саноати, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги каби етакчи тармоқларини зарур бўлган барча ихтисосликлар бўйича кадрлар билан тўла таъминлашга эришмадилар. Сибирь, Шимол, Узоқ Шарқ, РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасидаги районлар учун олий маълумотли мутахассислар тайёрлашда ҳам жиддий камчиликлар бор.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети олий мактабнинг фаолиятини янада яхшилаш, унинг социал-иқтисодий ва илмий-техника тараққиётидаги ролини ошириш, мамлакат халқ хўжалигининг етакчи тармоқларини юқори малакали кадрлар билан тўлароқ таъминлашга қаратилган тадбирларни кўриш зарур, деб топдилар. СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига, қарамоғида олий ўқув юртлари бўлган СССР министрликлари ва идораларига, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари ва Министрлар Советларига, ўлка, область, шаҳар партия комитетларига юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф қилиш таклиф этилди. Олий ўқув юртлари фаолиятини янада такомиллаштириш таъминлансин, уларнинг таълим, коммунистик руҳда тарбиялаш, фан ва маданиятни ривожлантириш марказлари сифатидаги роли оширилсин.

Олий мактабнинг асосий диққат-эътибори профессионал тайёргарлик ва мутахассисларни ғоявий-сиёсий тарбиялаш сифатини ҳар томонлама яхшилашга, ишлаб чиқариш билан, коммунистик қурилиш практикаси билан алоқани мустаҳкамлашга қаратилиши лозим. Кенг профилдаги мутахассисларнинг назарий ва профессионал тайёргарлигида фундаментал фанларнинг аҳамиятини ошириш, фаннинг энг янги ютуқларини ва илғор тажрибани тўлароқ акс эттириш асосида ўқув планлари ва программалари доим такомиллаштирилсин. Давлат инспекцияси ва таълимнинг сифати учун ректораторларга нисбатан талабчанликни ошириш йўли билан ўқув юртларининг фаолияти устидан назорат кучайтирилсин.

Ректоратлар, партия ташкилотлари олдига олий ўқув юртларидаги профессорлар ва ўқитувчиларнинг куч-ғайратини таълим-тарбия ва илмий-методик ишларни яхшилашга сафарбар қилиш вазифаси қўйилди. Студентларда илмий тафаккури ва марксча-ленинча дунёқарашини шакллантиришда лекцияларнинг савияси ва уларнинг аҳамиятини янада ошириш таъминлансин. Шунга эришмоқ керакки, лекциялар проблематик характерда бўлсин, назария ва практиканинг актуал масалаларини, ижтимоий ва фан-техника тараққиётининг замонавий ютуқларини акс эттирсин, чуқур мустақил иш олиб боришга ёрдам берсин. Студентларнинг билимини мустаҳкамлаш ва ижодий қобилиятларини рўёбга чиқаришнинг самарали формалари бўлмиш семинар ва лаборатория машғулотларни кучайтирилсин.

Олий ўқув юртининг асосий бўғини бўлган ва ўқув, илмий ҳамда тарбия жараёнининг мазмунини ва бирлигини белгилайдиган кафедранинг ролини кучайтириш зарур, деб таъкидлаб ўтилади қарорда. Педагогик маҳоратни эгаллашда ёш ўқитувчиларга ҳар томонлама ёрдам берилсин. Профессорлар ва ўқитувчиларнинг меҳнати самарадорлигини ошириш манфаатларини кўзлаб, педагоглар меҳнатини маънавий ва моддий рағбатлантириш системасини такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди.

Мутахассислар тайёрлаш сифати, уларнинг назарий билимларини амалий масалаларни ҳал этиш маҳорати билан оқилона бирга қўшиб олиб боришга нисбатан тобора катта талаблар қўйилаётганлигини эътиборга олиб, олий ўқув юртларининг халқ хўжалигидаги тегишли тармоқлар билан алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш зарур деб топилди. Мутахассислар тайёрлашни планлаштириш яхши йўлга қўйилсин, мутахассислар барвақт — улар ўқув юртларини битириб чиқишидан бир-уч йил олдин тақсимлаб қўйилсин, шундан кейин тақсимлашнинг беш йиллик планларини ишлаб чиқишга киришилсин ва план кўрсаткичлари корхоналарга ҳамда олий ўқув юртларига маълум қилинсин. Шу асосда олий мактаб билан халқ хўжалиги тармоқларининг кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлашни яхшилаш, уларнинг малакасини ошириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш соҳасида биргаликда олиб борадиган ишлари кучайтирилсин. Олий ўқув юртларининг моддий базасини мустаҳкамлашга тармоқ министрликлари ва идораларини янада кенгроқ қатнаштириш, тегишли корхоналар ва ташкилотларнинг майдон ва машина-ускуналаридан ўқув юртларининг фойдаланиши, шулар негизида зарур бўлиб қолган тақдирда профиллаштирувчи кафедраларнинг филиалларини вужудга келтириш масалалари ҳал этилсин. Студентларнинг ишлаб чиқариш практикасини ва олий ўқув юртларини битириб чиқувчиларнинг стажировкасини уюштириш яхши йўлга қўйилсин.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети тармоқ министрликлари ва идораларининг олий таълимни ривожлантиришда ўқув юртларининг моддий базасини мустаҳкамлашда конкрет иштирок қилиши тармоқнинг илмий-техникавий ва социал тараққиётини таъминлашнинг муҳим омили, деб қараш лозимлигини таъкидладилар.

Табиёт ва техника фанлари соҳасида бўлғуси мутахассисларни тайёрлаш даражасини ошириш вазифаси қўйилди. Шу мақсадда академикларни, мухбир аъзоларни ва бошқа етакчи олимларни олий ўқув юртларидаги илмий-педагогик ишларга кенг жалб этиш таклиф қилинди; корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари ва етакчи мутахассисларининг, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг студентлар ҳамда ўқитувчилар коллективлари ҳузурида мунтазам равишда лекция ўқиб туришлари таъминлансин; фан-техника ахбороти ва Ватанимиз ҳамда чет эллардаги илғор ишлаб чиқариш тажрибасини студентлар ўртасида пропаганда қилиш тубдан яхшилансин.

Сибирь, Шимол, Узоқ Шарқ, РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонаси районларини интенсив ва комплекс ривожлантириш талабларига мувофиқ улар учун мутахассислар тайёрлаш соҳасида самарали тадбирлар кўриш зарур эканлиги қарорда таъкидлаб ўтилади. СССР Госпланига, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига, РСФСР Министрлар Советига манфаатдор министрликлар ва идоралар билан биргаликда ана шу иқтисодий районлар халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини кадрлар билан таъминлаш, бу кадрларнинг доимий ишлаб қолишига эришиш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳақидаги таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда СССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилди. Зарур бўлиб қолган ҳолларда умуман мамлакатда қабул қилиш планини қайтадан тақсимлаш ҳисобига тегишли ўқув юртларида студентлар сони кўпайтирилсин.

Сибирь, Шимол, Узоқ Шарқ, РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонаси районларида жойлашган олий ўқув юртларини юқори малакали илмий-педагогик кадрлар билан мустаҳкамлаш, шунингдек уларнинг моддий базасини яхшилаш, студентларга ётоқхоналар ҳамда профессор-ўқитувчилар состави учун уй-жой бинолари қуриш, ўқитувчилар учун зарур шароитлар яратиб бериш тадбирларини амалга ошириш кўзда тутилади. Мазкур районлардаги олий ўқув юртларини ишлаб турган ўқувчи илғор ёшлари билан тўлдириш ишларини кучайтириш тавсия этилди. Мазкур иқтисодий районлардаги саноат, қурилиш, транспорт корхоналарига, совхозлар ва колхозларга ўрта умумий таълим мактабларини, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртларини битириб чиққан, стажи бўлмаган ёшларни ғоят ноёб ихтисослар бўйича олий ўқув юртларига СССР Министрлар Советининг 1959 йил 18 сентябрдаги 1099-рақамли қарорида кўзда тутилган шартлар билан корхоналарнинг мутахассислари сифатида олий ўқув юртларига ўқишга юбориш ҳуқуқи мустасно тариқасида берилди.

(Давоми иккинчи бетда).

ПАХТА МАЙДОНЛАРИДА БИРОНТА ҲАМ БЕГОНА ЎТ БЎЛМАСИН

Бегона ўтлар ҳосил учун офатдир! Ҳар бир далани, ҳар бир картани бегона ўтлардан тоза сақлаш бугунги асосий вазифадир. Бу ишга колхоз ва совхозларнинг меҳнатга лаёқатли барча аҳолисини, район марказларидаги кишиларни кенг жалб этиш зарур.



АНДИЖОН ОБЛАСТИ. Бўз районидаги «Партия XX съезди» совхозининг иккинчи бўлим меҳнаткашлари 603 гектар майдондаги ғўзаларни меҳр билан парвариш қилишмоқда. Бўлим мирзачорлари бу йил гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга қарор қилишган. Кенг далалардаги ғўзалар қийғос гуллаб, кўсак туга бошлади. Суратларда: (ўнгдан) бўлим бошқарувчиси Мамарашид Хуралиев ва илғор бригада бошлиқларидан Абдусаттор Абдураҳмонов ўртоқлар. Чапда — бўлим далаларида ғўза қатор ораларига ишлов бериш пайти.

А. Тўраев фотолари.

ВИСТАВКАНИ БОРИБ КЎРИШДИ

СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида «Ягона электрон-ҳисоблаш машиналари системаси ва кичик электрон-ҳисоблаш машиналари системаси воситалари ҳамда уларни қўлланиш» деган мавзуда халқаро виставка муваффақиятли намойиш қилинмоқда. Болгария, Венгрия, ГДР, Куба, Польша, Руминия, СССР ва Чехословакия корхоналари ҳамда ташкилотлари қатнашаётган бу виставкада электрон-ҳисоблаш машиналарининг янги моделлари, ахборот йиғиш, сақлаш, акс эттириш ва уни бериш учун мўлжалланган периферия машина-ускуналари намойиш қилинмоқда. Барча техникавий воситалар турли мақсадда ишлатиладиган автоматлаштирилган бошқарувнинг ишлаб турган системалари составида кўрсатилган. Виставка экспонатлари қардош социалистик мамлакатларда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун социалистик интеграция катта имкониятларга эга эканлигини яққол кўрсатмоқда.

А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Н. А. Тихонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Н. К. Байбаков, К. Ф. Катушев, В. А. Кириллин, Л. В. Смирнов, СССР Фанлар академиясининг президенти А. П. Александров, СССР министрлари, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг масъул ходимлари виставкани бориб кўрдилар.

Партия ва Совет давлатининг раҳбарлари экспозиция билан танишиб, ҳисоблаш техникасининг янги воситаларини яратиш ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг халқ хўжалигида уларни қўлланиш соҳасидаги бундан буёнги биргаликдаги ишда виставка қатнашчиларига муваффақиятлар тиладилар.

(ТАСС).

ЖИЗЗАХ ҚЎРИҒИ ИСТИҚБОЛИ

ЖИЗЗАХ, 12 июль. (ЎзТАГ). Қўриқ Жиззах областининг халқ хўжалигини ривожлантириш суръатлари йилдан-йилга кучаймоқда. Партия XXV съездининг қарорига биноан бу областда совет пахтачилигининг янги йирик базаси вужудга келтирилмоқда, саноат корхоналари, агрошаҳарлар ва посёлкалар қурилмоқда. Саноат буюмлари ишлаб чиқариш ҳажми кейинги беш йилнинг ўзидагина икки баравар кўпайтирилди, давлатга бир ярим миллион тоннага яқин пахта ва бошқа кўпгина қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилди. Чўлқуварлар 50 минг гектардан зиёдроқ ерни экинзорга айлантирдилар, 23 та янги совхоз барпо қилинди.

Областдаги ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш суръатларини жадаллаштирмоқ, Жиззах областининг тезроқ ўзлаштирмоқ, қўриқ ернинг ҳар бир гектаридан олинаётган маҳсулотни кўпайтирмоқ учун нималар қилиш керак? Жиззах область партия комитетининг пленумида шулар ҳақида атрофлича гаплашиб олинди. Пленум Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Жиззах область партия комитетининг ҳисоботи бўйича чиқарган қарорини бажариш борасида область партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилди. Ўзбекистон Компартияси область комитетининг биринчи секретари Т. Бойميров пленумда доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Жиззах шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. Тўрақулов, Зомин район партия комитетининг биринчи секретари И.

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧЛАРНИ КОМПЛЕКС РАВИШДА РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

Холматов, «Джизакстепстрой» территориал бошқармасининг бошлиғи П. Х. Кан, Мирзачўл районидаги Абай номли совхоз пахтачилик бригадасининг раҳбари Р. Маматова, Жиззах районидаги Нариманов номли ўрта мактаб директори Т. Холматов, Пахтакор районидаги 7-механизациялашган кўчма колоннанинг газ-электр пайвандчиси И. П. Мартиненко, пахтачилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори К. Шодиев қатнашдилар.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва ноябрь Пленумлари талабларига, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кўрсатмаларига асосланиб, ишларнинг аҳволини таҳлил қилиб бердилар, асосий диққат-эътиборни ҳануз ҳал этилмаган масалаларга қаратдилар. Областдаги барча корхоналар қолоқларсиз ишлаши лозимлиги вазифа қилиб қўйилди. Область қурувчилари планлаштирилган қувватларнинг муддатидан олдин ишга туширилишини таъминлашлари, бу йил 10,5 минг гектар ерни комплекс равишда тахт қилиб қўйишлари лозим.

Сўзга чиққан нотиқлар янги ерларни тезроқ ўзлаштиришнинг, ишга туширилаётган объектларни ўз вақтида ишга солишнинг, областдаги барча табиий бойликлардан яхшироқ фойдаланишнинг муҳимлигини таъкидлаб, капитал маблағлардан, моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш, иш сифатини ошириш, ирригация-мелиорация шохобчаларини, янги посёлкаларни барпо этишда илмий тавсияларга ва илғор тажрибага қатъий риоя қилиш зарурлигини кўрсатиб ўтдилар.

Ҳар бир раҳбарнинг, ҳар бир коммунистнинг ўзига топширилган иш участкаси учун масъулиятини ошириш, халқ хўжалигига партиявий раҳбарлик даражасини кўтариш—область партия ташкилотларининг биринчи навбатдаги бурчидир. Область олдида ўнинчи беш йилликнинг охирги йилидаёқ 400 минг тонна пахта етиштириш. Ўн биринчи беш йиллика эса ҳар йили 500 минг тоннадан пахта етиштиришга эришиш вазифаси турибди. Областда пахта билан бир қаторда дон, гўшт, сут, сабзавот, мева ва узум етиштиришни ҳам тўхтовсиз кўпайтириб боришга гамхўрлик қилиш керак.

Ҳозирги вақтда қишлоқ меҳнатчилари \ маккажўхорининг ҳар гектаридан 100 центнерга етказиб ҳосил кўтариш учун курашмоқдалар. Ердамчи хўжаликларни ва бўрдоқичилик базаларини ривожлантириш, қишлоқда кооператив усулидаги қурилишни такомиллаштириш билан бир вақтда чорвачиликни саноат асосига тезроқ кўчиришни таъминлашга қарор қилинди. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш йўлида муайян мақсадни кўзлаб иш олиб бориш, бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини активлаштириш — халқ хўжалик вазифаларини муваффақиятли ҳал этишнинг мутлақо зарур шартидир.

Жиззах областининг пахтакорлари, барча меҳнатчилари Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатини қизғин кутиб олдилар. Бу Мурожаатда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экиларидан мўл ҳосил етиштиримоқ учун барча имкониятлардан фойдаланиш кераклиги кўрсатиб ўтилган. Пленум қатнашчилари далалардаги ишларнинг аҳволи тўғрисида гапириб, қўриқ область колхозлари ва совхозлари олинган мажбуриятларни шараф билан адо этадилар, деб ишонч билдирдилар. Шу билан бирга ғўзаларни ривожлантириш, тезлаштириш, илғор механизаторлар, сувчилар, бригадалар ва хўжаликларнинг тажрибаларини кенг ёйиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Чунки улар техника, сув ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланмоқдалар, йиғим-теримга ўз вақтида тайёрланиш учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сибирь бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Пленум ишида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин қатнашди.

ИЛҒОР ҒАЛЛАКОРЛАРГА — ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети бошоқли дон экинларини ўриб-йиғиб олиш, давлатга дон сотиш, уруғлик фондини жамғариш ва ғаллани ташиб олиш борасида областлар, районлар, колхозлар, совхозлар ва автомобиль колоннаси ўртасидаги социалистик мусобаканинг июль ойи биринчи ўн кунлигидаги якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қўчма Қизил байроғини **Тошкент областида** (область партия комитетининг секретари ўртоқ Мусахонов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Алимов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Раҳмонов, область ғалла маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Бекбоев, «Облсельхозтехника» раиси ўртоқ Хегай) қолдиришга қарор қилинди.

Бу область дон экинлари ўрим-йиғими планини 88,5 процент, шу жумладан ўн кунлик мобайнида 40,8 процент, давлатга дон сотиш топшириғини 86,6 процент, шу жумладан ўн кунлик мобайнида 52,8 процент, уруғлик жамғариш топшириғини 92,2 процент, шу жумладан ўн кунлик мобайнида 49 процент бажарган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

(Давоми иккинчи бетда).

ОЛИЙ МАКТАБНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Бошқ биринчи бетда).

Металлургия, қон қазиш, нефть қазиб чиқариш, газ саноати, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва мамлакат халқ хўжалигининг бошқа энг муҳим тармоқларига керакли ихтисослар бўйича ўқув юртларини студентлар билан таъминлашни яхшилаш зарур, деб топилди. Шу тармоқларга керакли ғоят ноёб ихтисослар рўйхати белгилаб қўйиладиган бўлди, шу ихтисослар бўйича ўқиб турган студентлар учун маънавий ва моддий рағбатлантиришлар ҳамда имтиёзлар тўғрисидаги таклифлар ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда киритиладиган бўлди.

Шу тармоқлар мазкур ихтисослар бўйича олий ўқув юртларига ўрта умумий таълим мактабларини олтин медаллар билан ҳамда ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртларини аъло даражадаги дипломлар билан битириб чиққан кишиларни кириш имтиҳонларисиз қабул қилишга, шунингдек аттестатидаги ўртача балл 4,5 дан паст бўлмаган кишиларни топширилган иккита имтиҳоннинг натижалари бўйича қабул қилишга рухсат этилди.

Университетларни олий мактабнинг етакчи ўқув-методик ва илмий марказлари сифатида янада ривожлантириш чораларини амалга ошириш қарорда кўзда тутилади. Уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда илмий-педагогик кадрлар составини мустаҳкамлаш таъминланадиган бўлди. Ўз халқ маорифи системаси, фан ва маданият, саноат ва қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлашни ҳисобга олиб, университетларда тайёрланадиган ихтисослар рўйхати ва қанча студент бўлиши аниқланиб қўйиладиган бўлди. Янги ташкил этилган университетлар фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор бериш кераклиги таъкидланди.

Университетларда ижтимоий фанлардан дарс берадиган ўқитувчиларни тайёрлаш, тақсимлаш ва уларнинг малакасини оширишни, фалсафа, снёсий иқтисод, илмий коммунизм ва КПСС тарихи бўйича ўқитишга ёшларни танлаб олишни яхшилаш вазифаси қўйилди. Меҳнат ва ҳаёт тажрибасига эга бўлган ҳамда ижтимоий-снёсий ишда ўзини ижобий жиҳатдан кўрсатган кишилардан шу профил бўйича ўқитувчи кадрлар тайёрлаш қонда қилиб қўйилди. Университетлар ҳузуридаги ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг малакасини ошириш институтлари ишини такомиллаштириш, шу институтларнинг олий ўқув юртларидаги жамиятшунослар илғор тажрибасини умумлаштиришдаги ва ёйишдаги ролини кучайтириш таъкидлаб ўтилди.

СССР Фан ва техника давлат комитетига университетларда ва бошқа олий ўқув юртларида қатнаб ўқийдиган аспирантурани кўпроқ ривожлантиришни кўзда тутиш тавсия этилди.

Олий ўқув юртларининг илмий-тадқиқот ишларини мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш вазифалари билан чамбарчас боғлаб ташкил этишни яхшилаш, энг муҳим фан-техника ва социал-иқтисодий проблемаларни ҳал этишда олий ўқув юртларининг илмий имкониятларидан янада самаралироқ фойдаланиш, олинган натижаларни амалий ишга жорий қилишни тезлаштириш чораларини кўриш зарурлиги қарорда кўрсатиб ўтилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети СССР ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Олий ва ўрта махсус таълим министрликлари, олий ўқув юртларининг ректоратлари, партия ташкилотлари зиммасига студентларнинг марксча-ленинча назарияни, КПСС-нинг тарихий тажрибасини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг ва партиямизнинг бошқа раҳбарлари асарларини ўрганиш даражасини ошириш мажбуриятини юкладилар. КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, снёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорига амал қилиб, таълим-тарбия жараёнининг марксча-ленинча дунёқараш томон йўналтирилган бўлиши учун ҳамма кафедраларнинг масъулияти кучайтирилсин.

КПСС ва Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсати масалалари бўйича студентларни ўз вақтида хабардор қилиб туриш, улар энг зарур ижтимоий ривожланиш проблемаларини тўғри тушуниб олишларига эришиш таъминлансин. Партия органларининг раҳбар ходимларини, лекторларини олий ўқув юртларида лекциялар ўқишга мунтазам равишда жалб этиб, профессорларни ва ўқитувчиларни биринчи навбатда хабардор қилиб туришга алоҳида эътибор берилсин.

Студентлар докладларни ва кўпчилик олдида бўладиган чиқишларни мустақил тайёрлаш, ижодий мунозараларда қатнаша билиш кўникмаларини ўрганиб олишлари, уларда келгусида тарбиячи ва ташкилотчи, коммунистик ғояларнинг пропагандисти бўлиш учун зарур фазилатларни шакллантириш керак. Ёшлар ғоявий муҳолифлар билан кураш, душман империалистик пропагандасини, ревизионизмни ва барча турдаги оппортунизмни фош қилиш методларини эгаллаб олишларига ёрдам берилсин.

Студентларни Коммунистик партия ва социалистик ватанга чексиз садоқат, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялашни янада такомиллаштириш, уларга социализмнинг улуғ ғалабаларини ҳимоя қилиш учун шахсий масъулият ҳисларини сингдиришни таъминлаш таклиф қилинди.

Студентларни юксак сиёсий ва маънавий маданиятли қилиб, коммунистик ахлоқ нормаларидан бўладиган чекинишларга, истеъмолчилик мешчанлик қайфиятларининг ва ўтмишдан қолган бошқа сарқитларнинг кўринишларига принципиал муносабатда бўладиган қилиб тарбияламоқ керак. Бу ишда коллективнинг ижтимоий фикри ўтказадиган таъсир кучидан ўз мақсадимиз йўлида фойдаланишимиз керак.

Қарорда иқтисодий кадрлар тайёрлаш структурасини ва сифатини яхшилаш, студентларни ўқитиш ва тарбиялашни планли бошқаришни такомиллаштириш, ҳозирги замон ишлаб чиқаришини, бутун хўжаликни юритиш механизмини такомиллаштириш практикаси билан чамбарчас боғлаб олиб боришни қатъий равишда кучайтириш, иқтисодий институтлар ва факультетлар студентларини назарий жиҳатдан тайёрлаш даражасини ошириш талаблари қўйилган.

СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига олий ўқув юртларини бошқарувчи бошқа органлар билан биргаликда кадрларни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда тайёрлашни анча яхшилаш вазифаси топширилди.

Кечки ва сиртқи таълимнинг ўзига хос хусусиятларини ва студентларнинг амалий ишларини тўла равишда ҳисобга олувчи ўқитиш методларидан бу мақсадларда активроқ фойдаланилсин. Шу система бўйича кадрлар тайёрлашнинг илмий-методик марказлари бўлмиш Бутуниттифоқ сиртқи институтлари институт роли кучайтирилсин.

СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетига СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги билан биргаликда олий ўқув юртларини юқори сифатли дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан тўлароқ таъминлаш чораларини кўриш тавсия этилди.

Олий ўқув юртларининг бошқариш органлари ҳамда тегишли министрликлар ва идоралар олдига студентларга медицина хизмати ва умумий овқатланиш хизмати кўрсатишни, физкультура-соғломлаштириш, маданий-оммавий ишларни ташкил этишни яхшилаш вазифаси қўйилди.

ВЦСПС, маориф, олий мактаб ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг ва илмий муассасаларнинг диққат-эътибори таълим-тарбия ишларини, олий ўқув юртларидаги социалистик мусобақа формаларини ва методларини такомиллаштиришда, ишлаб чиқариш корхоналари, фан ва маданият муассасалари билан ижодий ҳамдўстликни ривожлантиришда касаба союз ташкилотларининг ролини янада ошириш зарурлигига жалб этилади. Студентлар, аспирантлар ўқитувчиларнинг уй-жой, маиший шароитларини яхшилашга доир қўшимча чоралар кўриш тавсия қилинди. Даволаш-профилактика ва соғломлаштириш спорт муассасалари шохобчалари олий ўқув юртлари билан биргаликда ривожлантирила бериши лозимлиги таъкидланди.

Қарорда кўрсатиб ўтилдики, ВЛКСМ Марказий Комитети, комсомол комитетлари олий ўқув юртларидаги комсомол ташкилотларининг фаолиятини таклаб олинган ихтисосларни чуқур ва ижобий эгаллаб олишлари учун ўқув группалари коллективларининг, ҳар бир комсомол студентнинг масъулиятини оширишга йўллаб туришлари лозим. Ёшларни ғоявий-ахлоқий тарбиялаш, уларга юксак ҳулқ маданиятини, ўқув интизомини бузишларга нисбатан муросасизлик руҳини, социалистик ахлоқ нормаларини сингдириш борасида комсомол ташкилотларининг ишлари активлаштирилсин. Бўлажак мутахассисларга меҳнат, сиёсий ва профессионал тарбия беришда студентларнинг отрядларидан самаралироқ фойдаланилсин.

Қарорда иттифоқдош республикалар Коммунистик партияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар, район партия комитетлари зиммасига олий ўқув юртларидаги партия ташкилотларига раҳбарликни кучайтириш вазифаси юкланади. Олий ўқув юртларининг бош вазифаси — студентларни ўқитиш сифатини бутун чоралар билан ошириш ҳамда ғоявий-снёсий тарбиялашни яхшилаш, олий ўқув юртларининг, факультетлар ва кафедраларнинг раҳбар кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишларини такомиллаштиришда партия ташкилотларига доимий ёрдам бериб турилсин. Ҳар бир ўқитувчи ўзининг снёсий ва маданий савиясини кун сайин кенгайтириб боришга, юксак коммунистик ғоявийлик, партиявийлик, меҳнатга ижодий муносабатда бўлиш, маънавий поклик ва олижаноблик намунаси бўлишига эришилсин. Профессорлар ва ўқитувчиларнинг меҳнаткашлар орасида олиб бориладиган лекция, снёсий-тарбиявий ишларда иштирок этиши кенгайтирилсин. Олий ўқув юртларининг ишлаб чиқариш ва илмий ташкилотлар билан алоқаларини ривожлантиришда ректорларнинг кенгашларидан активроқ фойдаланилсин.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорида олий ўқув юртларининг партия ташкилотлари ва коллективлари партия кўрсатмаларини бажаришга бутун куч ва билимларини сарфлайдилар. коммунистик қурилишга олий мактаб қўшаётган ҳиссани кўпайтирадилар, деб ишонч билдирилади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМАНДИРЛАРИ МИНБАРИ

ҚОЛОҚЛИКДАН ИЛҒОРЛАР САФИГА

Ҳалол меҳнатнинг ўзгача нашъаси бўлади. Шу кечакундузда комбинатимизда бўлган ҳар бир киши ишчилар, инженер-техниклар, хизматчилар баланд руҳ, шавқ-завқ билан меҳнат қилаётганликларини ўз кўзи билан кўриши мумкин. Бу социалистик мусобақанинг, янги муваффақиятларни қўлга киритиш мақсадида бутун коллектив алоҳида ғайрат билан меҳнат қилаётганлигининг шарофатидан.

Ваҳолонки, комбинатимиз яқинга қадар, тўғрироғи, 1976 йилнинг ўрталарига қадар қолоқлар рўйхатидан тушмади. Бунинг сабаблари бор эди: малакали кадрлар етишмасди. Ишчиларга қулай шароит яратиб бериш қийинсизлик мавжуд эди. Бор техниканинг кучидан унумли, баракали фойдаланилмасди.

Биз комбинатнинг мустаҳкам оёққа туриб, пешқадам корхоналар сафидан ўрин олиши учун қуришни кадрларни танлаш, тарбиялаш, ишчилик шарафини қадрлайдиган кишилар сафини кенгайтиришдан бошладик. Шу мақсадда бир қанча турдош корхоналарда бўлиб, илғорларнинг тажрибасини ўргандик, ветеранлар билан маслаҳатлашдик, ҳамкасб ўртоқларимиздан амалий ёрдам сўрадик. Комбинат партия ва касаба союз ташкилотлари ишчилар, инженер-техник ходимларни катта ишларга отлантиришда, социалистик мусобақани авж олдириш учун курашда катта ёрдам бериб, мададкор бўлди. Тез орада иш анча юришиб кетди.

Уй-жой, болалар боғчаяслиларини, комбинатдаги маданий-маиший шароитларни олайлик. Одамларнинг муқим ўрнашиб, корхонада доим ишлаб қолиши, унумли меҳнат қилиши учун вақтида яхши овқатланиши, уй-жой шароити, фарзандинг кўнгли тўқ бўлиши, бош вақтини мароқли ўтказиши катта аҳамиятга эга. Биз ишчиларга кўпроқ уй-жой ажратилишидек муҳим масалани партия, совет ташкилотлари олдига кескин қўйиш билан бирга, ўз ички имкониятларимиздан тузукроқ фойдаланишга қарор қилдик. Корхонанинг ўз маблағи ва кучи билан иморатлар, ётоқхоналар қуришга киришдик. Комбинатни ривожлантириш социал тараққиёт плани ишлаб чиқилиб, ишчиллик билан амалга оширила бошланди. Ётоқхонадаги 50 та квартира қайтадан жиҳозланиб, ишчиларнинг оилалари бу уйларга кўчиб кирдилар. 40 квартирали 2 та турар жой биноси, 280 ўринли болалар комбинати, клуб қурилди. Ошхона ремонт қилиниб, мазали таомлар тайёрланадиган бўлди. Ҳозир профилакторий қуриш лойиҳалаштириб қўйилди.

Буларнинг ҳаммаси баракали меҳнат қилиш учун қулай шароит яратиб берди. Бултурнинг ўзидагина 40 оила янги шинам хоналарга кўчиб ўтди, уй-жой шаронти яхшиланди. Комбинат ёнида 280 ўринли болалар боғчасининг муҳташам биноси қад кўтарди. Шунинг учун бўлса керак. эндиликда ишдан кетишни сўраб ариза берувчилар кескин камайиб. аксинча, комбинатда баракали меҳнат қилиш иштиёқини билдираётган кишилар сони тобора кўпаяётганлигига ҳайрон қолмаса ҳам бўлади. Комбинатимизда ишлаш иштиёқини билдириб, Фарғона, Қўқон. Учқўрғон. Бухоро. Самарқанд тарафлардаги мутахассислар. ишчилардан ариза кўплаб тушганлиги ва тушаётганлиги комбинатнинг ишлаб чиқаришдаги ютуқлари туфайли довруғи ортаётганлигидан дарак беради.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва маҳсулот сифатини ошириш мақсадида Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган комбинатимиз коллективи 1978 йилда яхши кўрсаткичларга эришди. Топшириққа қўшимча 3,5 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Мусобақада қолиб чиққан Тошкент ёг-мой комбинатига КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилди, комбинат номи СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди.

Бу юксак мукофотдан руҳланган комбинатимиз ишчилари, инженер-техник ходимлари ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида юксак мараларни эгаллаш учун курашмоқдалар. Комбинат коллективи бу йил 63,5 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот етказиб беришга, планга қўшимча равишда камида 2,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулотнинг 13 процентини Сифат белгиси билан тайёрлашга интилаётир. Олти ойлик топшириқ муддатидан илгари — 25 июнда бажарилди. Планга қўшимча 1 миллион 100 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Беш йиллик тўрт йили топшириқларини СССР Конституцияси 2 йиллиги кунигача бажарамиз.

Комбинатимиз коллективи КПСС XXV съездининг юксак минбаридан яна кучлироқ янграган «Ёнимизда битта ҳам қолоқ бўлмасин» деган шиордан тегишли хулоса чиқара олди. Гап шундаки, корхона узоқ вақт қолоқликдан чиқа олмаган эди. Эндиликда бу қолоқлик доғи ювилди. Ювилдигина эмас, социалистик мусобақада илғорлар сафидан ўрин олдик.

Комбинатни техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш, автомат, ярим автомат линияларни жорий этиш, сермеҳнат иш жараёнларини тўла механизациялаш, бунинг учун рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатини авж олдириш ўз самарасини бераётир.

Ёг-экстракция заводи — комбинатнинг юраги. Шунинг учун ҳам бу корхонани қайта қуриш, айниқса катта аҳамиятга эга. Бу ерда икки йил ичида 22 та илмий-техникавий тадбир жорий этилди. Натижада ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш йилига 9,5 минг тоннадан 17,6 минг тоннага етказилди. Илгари кунияранги қайта ишлаш учун ҳар йили 2500 тонна экстракцион бензин сарфланса, ҳозир бор-йўғи 1000 тонна ишлатилмоқда. Салат цехининг реконструкция қилинганлиги туфайли салат ёғи чиқариши 800 тоннадан 2,5 минг тоннага кўпайтиришга муваффақ бўлдик. Маргарин цехида ҳам анчагина янги асбоб-ускуналар ўрнатилди. Бунинг шарофати билан маргарин чиқариш бир йилда 17 минг тоннадан 22,5 минг тоннага етди. Автоклав цехимизда қуюлтирилган ёг (саломас) тайёрлашнинг узлуксиз технологиясини жорий этиш эвазига цехнинг қуввати 30 минг тоннадан 36 минг тонна маҳсулот чиқариш даражасига етказилди. Майонез цехида ҳам бир неча тадбирнинг амалга оширилиши туфайли цех қуввати икки баравардан знёд ошди.

Биз тежамкорлик учун, илғор иш усулларини ишлаб чиқаришга жорий этиш учун астойдил курашмоқдамиз. Бир мисол. Яқин-атрофимиздаги 11 та корхона ёг-мой комбинатидан техникавий буғ олади. Улар буғни олишга олишарди-ю, лекин конденсатни қайтариб беришмасди Бир қарашда бу майда-чуйдага ўхшаб кўринарди. Ваҳолонки, агар конденсат қайтарилса, бир йил мобайнида камида 1600 тонна шартли ёқилғи, 2500 гикакалорий иссиқлик, минг киловатт-соатдан ортиқ электр энергияси тежаш имконияти туғилар экан. Корхона маъмурияти буни астойдил талаб қила бошлади. Маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг яқиндан кўрсатган ёрдами билан конденсат корхонага вақтида қайтариладиган бўлиб қолди.

Яков Васильев, Валентин Александров, Маҳсуд Шаманов, Спартак Гофуров, Александр Кривцов, Саксонбой Мирражабов сингари ажойиб мураббийлар, ишлаб чиқариш илғорлари билан корхона коллективи фахрланади. Комбинатимиз коллективи юксак мукофотга жавобан янги марраларни кўзламоқда. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Москва шаҳар Бауман райлов округида сайловчилар билан бўлган учрашуви чоғида сўзлаган илҳомбахш нутқи асосида меҳнат унумдорлигини янада ошириш тадбирларини белгилаб чиқдик. Янги зафарларни қўлга киритиш учун бутун коллектив бир жон-бир тан бўлиб курашаверади.

А. ПЎЛАТОВ,
Тошкент ёг-мой комбинатининг директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер.

ХАРИДОРГИР

✦ ЎЗБЕКИСТОН ЖИНСИСИДАН КИЙИМ-КЕЧАКЛАР

✦ ҚАЛИН, ПИШИҚ, ҒИЖИМЛАНМАЙДИГАН ВА КИРИШМАЙДИГАН ГАЗЛАМАЛАР

✦ ХАРИДОРГИР МОЛЛАР ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАР

✦ ЖИНСИ ТИКАДИГАН АЛОҲИДА ТИКУВ МАШИНАЛАРИ

✦ ДАСТЛАБКИ КИЙИМ-КЕЧАК ТИКАДИГАН ФАБРИКА

✦ 1983 ЙИЛДА ИШГА ТУШАДИГАН ЯНГИ КОРХОНАЛАРНИНГ АЖОЙИБ ХУСУСИЯТЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОНДА жинси газламасини тўқиш ва ундан кийим-кечак тикишни ташкил этишга қарор қилинди. СССР Енгил саноат министрлигининг икки институти тегишли корхоналарни лойиҳалашга киришди.

Республикада шу ҳаридоргир молларни чиқарувчи корхона очиш масаласи енгил саноат ходимлари республика партия-хўжалик активининг шу йил апрелда бўлган йиғилишида қўйилганди. Ўшанда Ўзбекистонда бундай маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир ишчи кучи, тажрибали тўқимачи кадрлар ва хом ашё борлиги таъкидланган эди.

Қалин ва пишиқ, ғижимланмайдиган ва киришмайдиган жинси газламага ёшлар ўртасида талаб, айниқса катта. Хўш, бундай газлама тўқишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат? Ўзбекистон СССР Енгил саноат министрлигининг мутахассислари бу саволга шундай деб жавоб қайтардилар:

— Жинси газламада ип ғоятда қалин қилиб тўқилади. Бунга махсус конструкциядаги станоклардагина эришиш мумкин. Бу молга паст сорт тола кетади, ундан паст номерли калава олинади. Жинси газлама ипига киришмайдиган қилиб ишлов берилади. Хуллас, бундай газлама тўқиш анча машаққатли иш, энг муҳими эса бизнинг тўқимачилар унга ҳали ўрганишмаган. Ўни тўқишни ташкил қилмоқ учун СССР Енгил ва озиқ-овқат саноати министрлигининг машинасозлари оғир тўқув станоклари деб аталмиш станоклари, шунингдек, алоҳида тикув машиналарини ясаб чиқариш мажбуриятини олдилар. Қуриб битказилган фабрика корпусларида машина-ускуна монтажи бошланадиган пайтгача шу техниканинг ҳаммаси тайёр бўлиши керак.

Наманган шойи комбинати жинси газлама тўқийди. Бу корхонада ҳар йили 20 миллион метр шундай материал тўқиб чиқарувчи янги қувватлар барпо этиш мўлжалланади. Бу гап аслида йигириш, бўяш ва тўқиш цехлари, ҳамма ёрдамчи хизматчилари бўлган янги комбинат вужудга келтирилишини билдиради. Тошкентдаги ГПИ-4 институти уни лойиҳалашга киришди.

Республика пойтахтининг Акмал Икромов районида жинси кийим-кечак тикиш фабрикаси жойлашади. Олмаотадаги ГПИ-7 институти шу фабриканинг лойиҳасини ишлаб чиқмоқда. Савдо ташкилотлари билан келишилган моделларга биноан тикилган шимлар, костюмлар, кўйлаклар ва бошқа хил кийим-кечак Тошкент фабрикасидан магазинларга чиқарилади.

— Хўш, савдо қандай бўларкин? Маълумки, лойиҳа ишлари бошланишидан корхона ишга туширилгунча 3—4 йил ўтади. Ана шу вақт ичида жинси кийим-кечакка бўлган талаб сақланиб қолишига ишонч борми?

— Ҳа, шундай ишонч бор. Савдо ходимларининг қисоблариги кўра, жинси кийим-кечакка бўлган талаб сақланиб қолади. Бундан ташқари, тикувчилик ишлаб чиқариши ғайёрланувчи моделларни ўзгартириши ҳам мумкин. Мисол учун Самарқанддаги «8 Март» фабрикасини олайлик. Болонье газламадан тикилган плашчлар модадан қолгач, шу материалдан ҳар хил куртка-лар тикишга ўтли ва куртка-лар чаққон кетмоқда. 1983 йилда фойдаланишга топширилиши керак бўлган янги корхоналар ҳам ҳаридорларнинг талаб-ҳоҳишига қараб иш кўрадиган бўлади.

(ЎзТАГ).



Тошкент метрополитени станцияларини барпо этишда турли касб эгалари ғайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Суратда: «Ташметрострой» трестининг 1-қурилиш-монтаж бошқармаси пўлат чоқларни монтажлаш мастери Ильдус Галиев. У смена топшириқларини ҳамиша ортиғи билан бажаришга муваффақ бўлмоқда.

Ш. Иброҳимов фотоси.

ЯНГИ БРОЙЛЕР ФАБРИКАЛАРИ

Қаттақўрғон паррандачилик фабрикасида «Узгипросельстрой» институти лойиҳаси асосида қурилган янги бинолар фойдаланишга топширилди. Булар яхлит блоклардан иборат бўлиб, ҳар бири юз мингта бройлер — одатдагидан тўрт баравар кўп жўжа боқиш учун мўлжалланган. Қурилишда махсус ярим ром конструкциялардан фойдаланилди. Бу эса монтаж ишларини тез суръатлар билан олиб бориш имконини берди.

Янги фабрикада бир йилда уч миллион бройлер ўстириш мумкин. Ҳозир паррандачилик шаҳарчасини кенгайтириш давом этмоқда. Унинг қувватини бир йилда 6 миллионга жўжа етиштирадиган қилиб ошириш мўлжалланмоқда.

Узбекистондаги бошқа бройлер корхоналарининг қуввати ҳам оширилаётир. Беш йиллик охирига бориб республикада ҳар йили 16,5 минг тонна бройлер гўшти етиштириш мўлжалланмоқда. Бу эса бундан тўрт йил илгаридагига нисбатан беш баравар кўпдир.

ИЛҒОР ҒАЛЛАКОРЛАРГА — ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

(Бошқ биринчи бетда)

— **Самарқанд областига** (область партия комитетининг секретари ўртоқ Раҳимов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ҳамроқулов, область қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Аббосов, «Облсельхозтехника» раиси ўртоқ Мирзаев). Бу область бошоқли дон экинлари ўрим-йиғими планини 62,3 процент, шу жумладан ўн кунлик мобайнида 30,9 процент, давлатга дон сотиш топширғини 54,8 процент, шу жумладан ўн кунлик мобайнида 42,1 процент, уруғлик жамғариш топширғини 102,4 процент, шу жумладан ўн кунлик мобайнида 62,4 процент бажарган. Байроқ Сирдарё областидан олиб берилади;

— Жиззах областининг **Зомин районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ Холматов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Абдулҳакимов, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Яценко, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини жамғариш ва унинг сифатини белгилаш бош давлат инспектори ўртоқ Маматқулов, «Райсельхозтехника» бошқарувчиси ўртоқ Қаршибоев). Бу район бошоқли дон экинлари ўрим-йиғими планини 55,8 процент, шу жумладан ўн кунлик мобайнида 26,5 процент, давлатга галла сотиш топширғини 75,9 процент, шу жумладан ўн кунлик мобайнида 52,8 процент, уруғлик жамғариш топширғини 105,8 процент, шу жумладан ўн кунлик мобайнида 18,7 процент бажарган. Байроқ Қашқадарё областининг Чироқчи районидан олиб берилади.

— Сурхондарё область **Бойсун районидаги «Бойсун» совхозига** (совхоз директори ўртоқ Алиев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Пардаев, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Тошбоев). Бу совхоз бошоқли дон экинлари ўрим-йиғими планини 79 процент, шу жумладан ўн кунлик мобайнида 37 процент бажарган ва давлатга дон сотиш ҳамда уруғлик жамғариш топширғини бажариб бўлган. Байроқ Жиззах область Жиззах районидаги «76-от заводи» совхозидан олиб берилади;

— Наманган область **Чуст районидаги Энгельс номли колхозга** (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ Жўраев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Йўлдошев). Бу колхоз бошоқли дон экинлари ўрим-йиғимини тугаллаган ҳамда давлатга дон сотиш ва уруғлик жамғариш топширқларини бажариб бўлган;

— **Наманган область автомобиль трестига қарашли 2523-автомобиль колониясига** (автомобиль колоннасининг бошлиғи ўртоқ Умаров, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Зокиров, маҳаллий комитет раиси ўртоқ Исроилов). Бу автоколонна ўн кунлик мобайнида дон ташиш планини 128,2 процент бажарган. Байроқ Фарғона область автомобиль трестининг 2504-автоколоннасидан олиб берилади.

«КОСМОС-1114» ПАРВОЗДА

1979 йил 11 июль куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-1114» учирилди.

Йўлдош ичига ўрнатилган илмий аппаратлар космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган. Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координация-ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

(ТАСС).

МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ БОШҚАРИШНИ ЯХШИЛАЙЛИК

12 июль куни Тошкентда очилган республика кенгаши саноатдаги маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системасини жорий этиш методларини такомиллаштиришга бағишланди. Кенгашда министрликлар, идоларнинг раҳбарлари, саноат корхоналарининг вакиллари қатнашмоқдалар. Маҳсулот сифатини яхшилаш соҳасида республика меҳнатчиларининг вазифалари тўғрисида, бу проблемани ҳал этишда сифатни бошқариш комплекс системасининг роли ҳақида, шунингдек ишлаб чиқаришни планлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Р. Хўжаев. СССР Стандартлар давлат комитети раисининг ўринбосари Н. П. Морозов, республика Госплани раисининг ўринбосари И. А. Каримов доклад қилдилар.

Кенгаш икки кун давом этади.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаш соҳасида кўп йил, самарали илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлиги учун Машина-трактор паркини ремонт қилиш ва ундан фойдаланиш Бутуниттифоқ давлат илмий-тадқиқот технология институти Ўрта Осиё филиали (Средазгоснити) директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари ўртоқ Эрик Халилович **Сайфига Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик механизатори** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил, самарали ишлаганлиги, цитрусчилик (лимонзорлар)ни ривожлантириш, фан муваффақиятларини ва илғор тажрибани ишлаб чиқаришга жорий этишдаги хизматлари учун Самарқанд область Самарқанд районидаги «Москва» колхозининг цитрусчи агрономи ўртоқ Гадой **Бозоровга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика материал-техника таъминоти системасида кўп йил ва самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон ССР Госснаби бинокорлик материаллари билан таъминлаш ва тарқатиш бош бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Аъзам **Ғаниевга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ички ишлар органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги ва шахсий состав ўртасида даволаш-профилактика ишларидаги хизматлари учун Тошкент область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси медицина хизматининг бошлиғи ўртоқ Ҳамидулла **Соатовга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач** фахрий унвони берди.

Ғўзанинг авж олишини жадаллаштирайлик!

ҲОСИЛ ТАҚДИРИ — ДЕҲҚОН ҚЎЛИДА

Деҳқон ер заргари, ҳосил эса, унинг қўлида сайқалланган бебаҳо бойлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳосил тақдири деҳқон қўлида дейилади. Бу йил республикамиз деҳқонлари зиммасига 5 миллион 700 минг тонналик «оқ олтин» хирмони тиклашдек шарафли ва масъулиятли вазифа юклатилган. Ана шу улкан хирмонга бизнинг миришкор деҳқонларимиз ҳам ўзларининг 6 минг тонналик пахталари билан муносиб ҳисса қўшадилар.

Ҳосил ва унинг масъулияти. Бу гапда жуда катта маъно бор. Биз ҳосил тақдирини ҳал қилишга ўтган йилиёқ, пахтани йиғиштириб олибоқ кириштик. Ерларимиз 100 процент икки ярусли плуглар билан ҳайдалди. Умумий пахта майдонининг 60 процентига гектарига 500 килограммдан суперфосфат ва етарли миқдорда маҳаллий ўғит солинди.

Яхоб — мўл ҳосил омили. Биз Мирзачўлнинг иккинчи навбатда ўзлаштирилаётган кучли шўрланган зонасида деҳқончилик қилаётганимиз учун яхоб беришга алоҳида эътибор қилдик. Ерларимизнинг ҳар гектарида 600 тонна туз бор. Шунинг ўзи кўрсатиб турибдики, бизда деҳқончиликни яхоб сувнси тасаввур этиб бўлмайди. Шўр ювиш ғоят уюшқоқлик билан олиб борилди. Бу ишга энг яхши сувчилар ажратилди. Ҳар бир шўр ювувчига ёрдамчи бириктирилди. Ҳар доимдагидек комсомоллар, коммунистлар ишбошилик қилишди. Шундай қилиб, еримиз яхоб сувига кондирилди.

Ер етилиши биланоқ бороналарни ишга солдик. Бу тадбирни сифатли ўтказиб, шўрнинг кўтарилишига йўл қўймадик. Сўнг ҳамма экин майдонини текислаб, ерни экишга ҳозирладик.

Чигит экиш барча хўжаликлардаги сингари совхозимизда ҳам уюшқоқлик билан бошланди. Биз 9—10 апрелда ерга барака уруғи қадашга кириштик. Чигитни тез ва соз экиб олдик. Кўп ўтмай чигит униб чиқди. Кўчат текис бўлди. Аммо тўсатдан об-ҳаво ўзгариб қолди. Ёғингарчиликлар бошланди. Жала, дўл, айниқса, бизнинг ўта шўрланган ерларимизда ўз кучини кўрсатди. Фидокор пахтакорларимиз, яъни яхши ният билан қўриқ очиб деҳқончилик қилаётган чўлқувварларимиз республика партия ва ҳукумати Мурожаатида айтилганидек, табиат инжиқликларига қарши сабот ва матонатни, маҳоратни, омилкорлик ва тажрибани, зўр меҳнатни ва ўз қалбларининг қўрини рўбарў қўйдилар. 3374 гектар ерда деҳқончилик қилаётган бўлсак, унинг тенг ярмига чигит қайта экилди. 700 гектар ерга икки марта, 400 гектар майдонга эса уч марта чигит экдик.

Пахта ишқи билан юраги депсиб турган ҳар бир инсон поёнсиз далаларда матонат кўрсатди. Қатқалоқ ҳам, илдиз чириш касаллиги ҳам бартараф этилди. Пахтазорларда яшил эгатлар пайдо бўла бошлади. Лекин уларнинг ривожи ҳар хил эди. Эндиги эътибор бор кўчатларни авайлаб-асрашга ва уларни баравж қилиб ўстиришга қаратилди.

Шу кундаги экинзорларнинг жамоли ўзгача. Пахтазорларни айланган киши шундай манзарани кўради: дастлаб экилган майдонлардаги ғўзалар қийғос гулладди, қайта экилган майдонларда эса ғўзалар ёпласига шоналади. Кечки ғўзалар шоналаяпти. Ғўзаларимизни шу даражага етказгунча озмунча тер тўкилмади. Дала ғвардиячилари бўлган механизаторларимиз жонбозлик кўрсатишди. Чопиқ тракторларининг ҳаммаси тўлиқ ишга солинди. Механизаторлар учун кундалик графиклар белгиланди. Улар графикни ошириб бажарилгина қолмай, ҳар бир туп ғўзага қалб қўрини бахшида этишди. Культивация қилинган майдонни ҳашарчилар кетма-кет оралаб туришди. Улар тупроқ ва кесак тагида қолган ғўза ниҳолларини рослаб қўйишди. Айни пайтда илдиз атрофидаги культивацияга илинмай қолган бегона ўтларни юлиб ташлашди.

Суръат ва сифат учун баббаравар курашиш шиорга айланиб кетган. Чунки, мурғак ғўзалар фақат ардоқланишга, эҳтиёткорлик билан парваришқилишга муҳтож эди. Бунинг учун совхознинг бош агрономи Ҳазратқул Бўронов бошчилигида сифат комиссияси тузилди. Сифат комиссияси ҳар бир далани текширади ва ҳар ўн кунда беш балл асосида баҳолайди. Сифат белгиси олишга сазовор бўлган бўлим, бригада даласида фахрли беш қирали белги порлаб турибди.

Сифат белгиси ҳар бир деҳқон ишига берилган катта баҳо бўлиб ҳисобланмоқда. Шунинг учун ҳамма бу белгини ўз даласида туриши учун қурашмоқда. Натижада, социалистик мусобақа авж оляпти. Хўжалигимизда Сифат белгисини икки-уч галдан бери сақлаб қолаётган бригадалар ҳам бор. Парда Холбеков, Қодирали Умаров, Сулаймон Жўмабоев, Қаюм Воҳидов раҳбарлик қилаётган коллективлар шулар жумласиндир.

«Ҳатто пахта далаларининг энг яхши участкаларида ҳам экинлар ривожланишдан 10—15 кун орқада қолмоқда. Хўш, бунга нимани қарама-қарши қўйиш мўлкин? Бунга қайноқ қалбларингизнинг ҳароратини, «олтин қўлли» пахтакорларнинг юксак маҳорати ва ишбилармонлигини қарама-қарши қилиб қўйиш мумкин!» — дейилади республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатида. Юқорида айтилганидек, далаларимизда уч хил ғўза бор. Эндиги вазифа ғўзалар орасидаги тафовутни тугатиб, уларни серҳосил қилиб ўстиришдан иборат. Мурожаат матбуотда чиққан куниёқ бўлим ва бригадаларда ўқиб чиқилди. Худди шу йиғилишларда амалий тадбирлар белгиладик. Совхозимиз ўта шўрланган ерда жойлашгани учун яхоб яхши берилганлигини айтиб ўтган эдик. Яхоб сувига қонган ғўзалар энди сувга талаб бўлди. Биз бундан 5—6 кун илгари фақат таплаб суғораётган эдик. Энди ёппасига суғоришга ўтдик. Дарҳол ички резервлардан фойдаланиб, сувчилар сонини юз кишидан оширдик.

«Шарбат» оқизишга зўр берямиз. Бунинг учун қўшни «Ховос» совхозидан маҳаллий ўғит ташиямиз. Ўзимиздаги ички имкониятлардан ҳам унумли фойдаланамиз. Бу масъулиятли ишга миришкор, тажрибали сувчилар ажратилган. Ҳар бир «шарбат» оқизувчига ёрдамчилар бириктилди. Суғориш сифати қаттиқ назорат остига олинди.

Механизаторлар масъулияти янада оширилди. Суғорилган далалар етилиши билан кетма-кет культивация қилинаётир. Ҳар бир сув орасида баъзи картада икки марта, айримларида эса, уч марта культивация ўтказишга тўғри келяпти. Ҳар бир механизаторга 50 гектар ер бириктилди. Кимки, шу майдонни 10 кунда икки марта культивациядан чиқарса, сифат комиссияси тавсияси билан 100 сўм пул мукофоти берилади. Кейинги ўн кун ичида ана шу мукофотга 13 механизатор сазовор бўлди.

«Пахтакор, механизаторлар, сувчиларни, далада ишлаётган кишиларнинг ҳаммасини меҳрибонлик ва гамхўрлик билан қуршаб олинг, унумли меҳнат учун уларга энг қулай шарт-шароитлар яратингиз». Мурожаатда айтилган ана шу қимматли фикрга қатъий амал қиляпмиз. Далада ишлаётганлар икки марта иссиқ овқат, вақтида чой, мева-чева билан таъминланаётир. Энг муҳими, уларнинг миришкиб дам олишлари, ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Дала шийпонлари деҳқоннинг чинакам иккинчи уйига айлантирилган.

Хўжалигимизда етиштирилган ҳосилнинг деярли ҳаммаси машиналарда терилади. Бунинг учун барча тайёргарлик ишлари амалга оширилаётир. Совхозимиз устахоналарида иш ҳар қачонгидан қизитиб юборилган. Механиклар, токарь ва слесарлар терим агрегатларини ва бошқа техника воситаларини мавсумга пухта ҳозирлашмоқда. Муддаомиз 55 та терим машинаси ва 120 та тележкани узоги билан 1 августгача ремонтдан чиқариб қўйишдир.

Хуллас, чўлқувар пахтакорларимиз республикамиз партия ва ҳукуматининг Мурожаатини ўз ишлари учун асосий дастуриламал деб биладилар, олти минг тонналик қўриқ ер пахтаси хирмонини тиклаш учун мустаҳкам замин яратадилар.

А. ТУРДИҚУЛОВ,
Сирдарё область, Ховос райсидаги Ғанишер Юнусов номли совхоз директори.

АВВАЛ ҒЎЗАНГГА БОҚ!

КИЧИК ФЕЛЬЕТОН

«Аввал ўзингга боқ, кейин ногора қоқ!» — дсган мақолни эшитгансиз, албатта. У ҳозир ҳам ўз кучини йўқотмаган. Аммо фақат биттагина ўзгаришга учраган, холос. «Аввал ғўзанга боқ» деб бошланади. Сўнг ўз ҳолича давом этади.

«Ажабо, бу ўзгартишни ким киритган экан?» — деб қизиқишингиз турган гап. Қулоқ солинг, ҳозир билиб оласиз.

Минбарда — Қўшкўпир районидаги Киров номли колхоз раиси Назар Матёқубов. У бу йилги режалар ҳақида тўлиб-тошиб сўзлаяпти:

— 6500 тонна пахта етиштириб, 1615 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан эмас, балки 50 центнерга ошади... Раис нутқини тугатмасданоқ кимдир бўғиқ товуш билан луқма ташласа бўладими:

— Аввал ғўзанга боқ, кейин ногора қоқ!

Худди томдан тараша тушгандай бўлди. Раис довдираб қолди. «Ғўзамизга нима бўлибди», — демоқчийди-ю, лекин тили бормади. Пешанасидан сизиб оқаётган тери дастрўмоли билан артиб кўя қолди.

Биз колхоз далаларини кезганимизда раисбува хижолатдан терга ботганлиги бежиз эмаслигини англадик. Анча майдондаги ғўза бегона ўт ўртасида қолган. Бир марта ҳам сув ичмаган, саратонда чаққан ўтган 98 гектар ғўзанинг ранги заъфарондек саргая бошлабди. Суғоришдан сўнг зараҳ бўлиб қотган, юмшатилмаган далаларни айтмайсиз!

Раҳим Матёқубов бошлиқ 16-бригадада 27 гектар ердаги ғўза бегона ўтдан тозаланмаган ва бир марта ҳам суғорилмаган. Ҳайитбой Мадраҳимов бошлиқ 14-бригадада суғоришдан кейин тупроқ қотиб зичлашгани сабабли ғўза яйраб ўсолмаяпти.

— Мавжуд 38 та культиваторлардан 12 таси нега бекор турибди? Ахир, тупроғи стилган ва юмшатилмаган далалар кўп экан-ку?!

На бош агроном Эркин Матназаров, на инженер Оллоназар Ўринжонов бу саволга аниқ жавоб беролмади.

Султон Отаев бошлиқ 15-бригадада механизатор Омон Сафоев культиваторни қантариб қўйиб, ўзи ғўза суғораётганлигини кўрдик. Шу бригадада эгат олиш, культивациялаш навбатини кутиб турган далалар бўла турио, механизм бекор қўйилганлиги бизни ажаблантирди. Бунинг устига ёввойи ўтлардан тозаламаган далага сув қўйилиб, агротехника талаби кўпол равишда бузилмоқда. Абдушариф Жовоқов бошлиқ тўртинчи бригадада кўсак қурти ва карадриннинг ўртасига тушиб қолиб агроном-энтомолог Собир Раҳимов саросимада. Агар у гафлат уйқусидан кўзини очмаса, ҳашаротларнинг шашти баланд!

«Қўрққанга қўша кўринар», — деганларидек, айрим ваҳимачилар об-ҳаво қийинчиликлари олдида довдираб қолишди. Уларнинг таъсири тегиб, ғўза парваришн кечиқяпти, бўшашувчилик юз беряпти. Бригада бошлиқларидан Иброҳим Абдуллаев, Амин Эшжонов ва Юсуф Отаевлар ўз вазифаларини уддалай олманларини учун яқинда вазифаларидан бўшатилди. Бу бошқаларга сабоқ бўлиши керак эди. Афсуски, бепарволик ва масъулиятсизликка ҳамон чек қўйилмаётир. Ахир, гап фақат ношуд раҳбарни янгилашда эмас, балки ишда кескин бурилиш ясашда-ку!

Яна бир масалага бефарқ қараб бўлмайди. Кечани кеча, кундузни кундуз демай далада жавлон ураётган азаматларга етарли гамхўрлик қилинмаётир. Дала шийпонларида кўнгилли ҳордиқ чиқаришга қулай шароит йўқ. Иссиқ овқат ташкил қилинмаган. Боғларда пишиб ётган анвойи мева-чева, сабзавотдан шийпонга келтириш наҳотки маҳол бўлса?!

Колхоз раҳбарларига сўзимиз шуки. ваъдабозлик бас, ҳа деб огиздан гуллайвермай, ғўзани гуллатинг!

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ШАРТНОМА МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

Стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги (СҚЧ-2) янги Совет—Америка шартномасини ратификация қилиш масаласини сенатнинг ташқи ишлар комиссияси муҳокама этишга киришганлиги ҳақида илгари хабар берилган эди.

Комиссия раиси сенатор Ф. Черч муҳокамани бошлаб бериб СҚЧ-2 шартномасини муҳокама қилиш АҚШ сенати олдига шу вақтгача қўйилган масалаларнинг энг муҳими эканлигини айтди. «Ҳар биримизнинг тақдиримиз бу масалага берадиган жавобимизга боғлиқдир. Бизнинг қароримиз, — деди сенатор, — Совет—Америка муносабатларини стабиллаштириш йўлида тағин ҳам кенгроқ миқёсда қиладиган ишларимизга ҳал қилувчи таъсир ўтказади».

Ф. Черч шартномани масъулият билан, объєктив равишда ва унинг моҳиятини ўйлаб кўриб чиқишга, бемаҳал қаттиқ позицияда туриб олишга йўл қўймасликка ва иккинчи даражали ҳамда нуқул техникавий масалалар билан овора бўлиб қолмасликка сенаторларни даъват этди.

Давлат секретари С. Вэнс ва мудофаа министри Г. Браун сенатга СҚЧ-2 шартномасини ратификация қилишни тавсия этдилар. С. Вэнс ўз нутқида, янги шартнома стратегик қуролларни чеклаш борасида Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар ўртасида деярли етти йил мобайнида олиб борилган ғоят мураккаб музокаралар-нинг натижаси эканлигини кўрсатиб ўтди. Шартнома,— деди у, — АҚШнинг миллий хавфсизлиги манфаатларига тўла равишда жавоб беради, чунки СССР ва АҚШнинг стратегик қуролларини сен ва сифат жиҳатидан чеклаб қўяди, иккала томоннинг ҳарбий жиҳатдан тахминан тенг бўлишини таъминлайди, аниқ текширишга кўришга йўл очиб беради. Бироқ бу шартнома мавжуд стратегик қуролларнинг муҳим қисмларини чеклашни кўзда тутибгина қолмасдан, шу билан бирга СҚЧ-3 тўғрисида олиб бориладиган музокаралар доирасида тағин ҳам қаттиқроқ чеклаш учун йўл ҳам очиб беради.

Давлат секретари шартнома иккала томоннинг стратегик кучлари структурасидаги чеклашларни ҳисоба олган ғоят мувозанатли ҳужжат эканлигини ўқтириб ўтди. СҚЧ-2 шартномасида тенглик принципини мустаҳкамлаш билан биз, қуролларни бундан буён ҳам қисқартирмоқ ва СҚЧ-3 тўғрисидаги битимда тағин ҳам қаттиқроқ чеклаш чораларини ўтказмоқ учун мустаҳкам негиз яратдик ва бунинг учун очиқ-ойдин йўл очиб бердик. Бу шартнома куроллариш устидан контрол ўрнатиш йўлининг ўзи эмас, балки мана шу йўлда қўйилган қадамдир, деди у.

С. Вэнс СҚЧ-2 шартномаси бутун дунёда, шу жумладан, АҚШнинг Ғарбий Европадаги ва бошқа районлардаги иттифоқчилари орасида кенг равишда қўллаб-қувватланаётганлигини кўрсатиб ўтди. «Европада ва ҳамма жойда, — деди у, — бизнинг барча дўстларимиз ва иттифоқчиларимиз халқаро стабиллик бўлишидан манфаатдордирлар. Улар агар шартнома рад этиладиган бўлса Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатлар ниҳоятда тағин ҳам баттарроқ таранг қилиб қўйишини ва оқибат-натижада жаҳон ҳамжамиятининг ҳаётимиз учун хавфлироқ бўлиб қолишини биладилар».

Давлат секретари, сенаторларни СҚЧ-2 тўғрисидаги шартноманинг муҳокама қилинаётганлигидан Қўшма Штатлар учун бир томонлама афзалликни қўлга киритиш йўлида фойдаланишга уринмасликлари керак, деб огоҳлантирди. «Шартнома тўхтовсиз олиб борилган музокараларнинг натижасидир. Бу музокаралар ғолибнинг маглубга ўз айтганини қилдириш йўли билан эмас, балки икки қудратли давлатнинг ўзаро келишуви йўли билан куроллари чеклаш тўғрисида олиб борилган музокаралардан иборат бўлди. Шундай шартномага эришмоқ учун ҳар иккала томоннинг бир-бирига ён беришига тўғри келди. Узоқни ўйлаб олиб борилган мана шундай музокараларда бир моддага розн бўлиш бошқа моддаларга розн бўлиш билан муқаррар маташиб кетади. Шу сабабли шартномага тўғри баҳо бермоқ учун уни бир бутун ҳолида кўриб чиқмоқ керак. Умуман бу мувозанатли битимдир, шунинг учун бу битим АҚШнинг миллий манфаатларига муайян равишда жавоб беради. Мен,— деди С. Вэнс, — тузатишлар ва писандалар ёрдамида ўзимиз учун афзалликлар юлқиб олишга муваффақ бўла оламиз, деб умид қила олмаймиз, деган фикрдаман».

Давлат секретари С. Вэнс ва мудофаа министри Г. Браун СҚЧ-2 шартномасини қўллаб-қувватлаб, Қўшма Штатлар бундан буён ҳам ўзининг стратегик кучларини кўпайтирмоқ учун бутун куч ва ғайратини сарфлайверади, деб алоҳида уқтириб ўтишни лозим топдилар. Бу фикрни оқламоқ учун улар, АҚШнинг хавфсизлиги «фақат куролларни чеклаш йўли билангина таъминланиши мумкин эмас» деган хулосани олдинга сурдилар.

Жумладан Г. Браун, шу йилнинг ўзидаёқ АҚШ стратегик ракеталар билан қуролланган «Трайдент» янги сув ости ракета системаларини ишга сола бошлашини, бомбардимончи «В-52» самолётларини қанотли ракеталар билан қуроллантириш программасини амалга ошираётганлигини, келгусида амалга ошириладиган бомбардимончи самолётлар ва ракета технологиясини ишлаб чиқаётганлигини, Американинг стратегик қуроллари орасида энг каттаси бўлган қитъалараро янги баллистик «МХ» ракетаси қуролини ишлаб чиқиш бошлаб юборилганлигини айтиб ўтди. «Ҳатто СҚЧ-2 тўғрисидаги шартномага эга бўлганимиз тақдирда ҳам, — деди Браун, — биз стратегик кучларимиз ва бошқа кучларимизни кучайтира беришимиз лозим, бу нарса илгариги вақтларга нисбатан ҳатто катта ҳаражатлар талаб қилса ҳам шундай қилишимиз лозим».

Обзорчилар ҳарбий саноат комплексининг ва ўғир доираларнинг «кўнглини олмоқ» учун Картер маъмурияти қурол-яроғларнинг янги турларини ва системаларини кўпайтириш кераклигини таъкидламоқда, деган фикрни билдирмоқдалар.

Ҳукуматнинг бу йўли Америка жамоатчилиги орасида чуқур норозилик тўғдирмоқда. Америка жамоатчилиги куролланиш пойгасини тугатиш, ҳарбий харажатларни қисқартириш ва тежаб қолинган маблағларни мамлакатнинг жиддий иқтисодий проблемаларини ҳал этишга сарфлашни талаб қилмоқда. (ТАСС).

1979 ЙИЛ—ХАЛҚАРО БОЛАЛАР ЙИЛИ

Болгариянинг «Надежда» ансамбли.

БТА—ТАСС фотоси.

ЯНА БИР ИҒВОГАРЛИК

Америкадаги «Ньюсуик» журнали Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раисининг ўринбосари Ли Сяньянн билан қилинган суҳбатни босиб чиқарди. Хитой раҳбарлари ўзларининг ташқи сиёсат йўлларини Америка империалистик доираларининг манфаатларига мослаштириш нечоғли уринаётганликларидан савол-жавобларнинг характери ҳам яққол далолат беради. Хитой бош министри ўринбосари берган жавобларнинг иғвогарлик моҳияти ҳам очиқ кўриниб турибди, шу билан бирга унинг жавоблари Хитой раҳбарлари ташқи сиёсатининг мақсадлари нимадан иборат эканлигидан яққол далолат беради.

Яқинда Хитойга бориб келган Г. Киссинжер Ж. Картер ҳукумати «Москва билан муносабатларда етарли равишда қатъият кўрсатмаётир», бу эса «Хитой билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни ёмонлаштириб қўйиши мумкин» деб Хитой раҳбарлари ҳаяжонга тушиб қолганлигини айтибди, деган саволга жавобан Ли Сяньянн: «бу — Киссинжернинг гапидир. Совет Иттифоқи билан муносабатларда эса қаттиқроқ турган яхши», деди.

АҚШ мана шундай қаттиқ турибдими, деган саволга жавобан бош министр ўринбосари бундай деди: «Ўзингиз ўйлаб кўринг. Куба Қўшма Штатлар дарвозасининг қоқ рўпарасида турибди. Аммо АҚШ Кубани ўддалашга қодир бўлмай қолганга ўхшайди».

Сўнгра у Венада имзоланган СҚЧ-2 тўғрисидаги шартнома ҳақида бундай деди: СҚЧ-2 тўғрисидаги шартнома масаласида уч нарса Хитойнинг нуқтаи назарини белгилайди. Биринчидан, биз шартномаларнинг ўзига қарши эмасмиз. Иккинчидан, биз шартномаларнинг оқибатларига шубҳа назари билан қарайлмиз, учинчидан, биз охири нима бўлаётган, деб кутиб турибмиз, чунки бу шартнома ҳеч қандай проблемани ҳал қилиб бермади ва Совет Иттифоқининг ядро куролларини чеклашга олиб келмади».

Вьетнам—Хитой муносабатлари тўғрисидаги саволга жавобан Ли Сяньянн Хитой Вьетнам Социалистик Республикасини ўз таъсирига бўйсундириш йўлини ўтказаётганини очиқ айтди. Вьетнам—Хитой чегарасида кескинлик давом этаётганлиги учун, деди у. Пекин эмас, балки Вьетнамнинг ўзи айбдор. Шу билан бирга бош министр ўринбосари Вьетнам Социалистик Республикасига янги дўқлар қилиб, Хитой «ўзини ҳимоя қилиш» учун вьетнамликларга янги зарбалар бериш эҳтимолини инкор қилмайман, деди. Сўнгра у шу йил февралда Вьетнамга қилинган ҳужумлар тўғрисида сурбетлик билан гапирди. Хитой раҳбарларининг фикрича бу ҳужумлар, — деди у, — «Вьетнамнинг ўнчалик таъзирини» бермади, чунки Хитой ўзи берадиган зарбанинг миқёси ҳам, муддати ҳам чекланган бўлади, деб олдиндан эълон қилиб қўйди».

Хинди-хитойлик «қочоқлар проблемаси» деб номланган масалага бағишланиб халқаро конференция ўтказилмоқчи бўлганлиги ҳақида гапириб, Ли Сяньянн, ҳақиқатан ҳам Хитой бундай конференция чақирилишини қувватлайди ва бу конференцияда Вьетнамга нисбатан «муайян жазо чоралари кўрилади», деб умид қилади, Хитойнинг истаги ҳам мана шу, деди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ ЛИССАБОН. Американинг ИТТ корпорациясига қарашли корхоналарда ишлаб турган меҳнаткашларнинг касаба союзлари истеъфога чиққан Мота Пинту ҳукуматининг шу компания маъмурияти билан ўтказган маҳфий музокаралари мазмуни ошкор этилишини талаб қилди. «Бу музокаралар — мамлакатнинг миллий мустақиллигига, экономикасига, шунингдек минглаб португал меҳнаткашларининг ҳуқуқлари ва манфаатларига хавфдир»,— дейишди касаба союзлари.

✦ БАЙРУТ. Исроил, Қўшма Штатлар ва Садат режими ўзларининг Яқин Шарқдаги сиёсатини ўзаро мувофиқлаштириб олиб бормоқдалар, деб ёзади Байрутдаги «Ал-кифох ал-араби» ҳафтаномаси. Унинг таъкидлаб ёзишича, Кэмп-Дэвиддаёқ Коҳранинг таслимчилик йўлини ва Американинг Яқин Шарқ танглигини бартараф этиш вариантларини қоралайдиган араб мамлакатларига қарши бирграликда ҳаракат қилиш плани ишлаб чиқилган эди. Исроил ҳарбийларининг Шимолий Ливанга қарши давом этаётган иғвогарликлари Фаластин Озодлик ҳаракатига зарба уриш, Сурия ҳарбий можарога аралаштириб юбориш мақсадини кўзлайди, деб уқтиради «Ал-кифох ал-араби» ҳафтаномаси.

✦ МАПУТУ. Преториянинг ирқчи маъмурлари апартеид сиёсатига қарши чиқадиган матбуот органларини қувғин қилмоқдалар. Нашриётларни назорат қилиш бошқармаси Жанубий Африка Республикаси студентлар миллий иттифоқининг газетасини тақиқлаб қўйди, бу газета мамлакатдаги ирқчилик тартибларини танқид қиладиган материалларни босиб чиқараётган эди.

✦ НЬЮ-ЙОРК. АҚШ энергетика министрлигининг раҳбарлари орасида ўзгаришлар қилина бошлади. Кўпчилик американликлар мамлакатдаги «ёқилғи қаҳатчилиги» ҳаддан ташқари кучайиб кетганлиги учун шу министрликни жавобгар деб ҳисоблямоқдалар.

✦ ПНОМПЕНЬ. Бу ерда Кампучия Халқ Революцион кенгашининг қарорига биноан мамлакатда Кампучия Қизил Крести жамиятининг фаолияти яна бошланиши тўғрисидаги ахборот эълон қилинди. Пол Пот-Иенг Сариннинг қонхўр режими 1975 йилда бу жамиятни тарқатиб юборган эди. Янги жамиятга Кампучия Халқ Революцион кенгашининг аъзоси, халқ соғлиғини сақлаш министри доктор Ну Бенг бошчилик қила бошлади. (ТАСС).

ФЕСТИВАЛЬ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

ХЕЛЬСИНКИ. (ТАСС). СССР ва Финляндия ёшлари дўстлиги иккинчи фестивалида қатнашган Финляндия делегацияси ва Финляндия ёшлари дўстлиги поездининг қатнашчилари Хельсинкига қайтиб келдилар.

Фестиваль муваффақиятли ўтди, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда делегация раҳбарининг ўринбосари, Финляндия Демократик ёшлар союзининг раиси Маркку Кярккяйнен. Бу фестиваль Совет Иттифоқи билан Финляндия ёшлари ва халқларининг ҳамкорлигини янада ривожлантириш учун яхши истиқболлар борлигидан далолат берди.

«СКАЙЛЭБ» ҚУЙИБ ҚУЛ БЎЛДИ

ВАШИНГТОН, 11 июль. (ТАСС). АҚШ аэронавтика ва космик фазони тадқиқ қилиш миллий бошқармаси (НАСА)-нинг берган хабарига қараганда, Американинг «Скайлэб» космик станцияси Москва вақти билан соат 19 дан сўнг атмосферанинг қалин қатламларига кирди ва парчаланиб кетди. Станциянинг ёниб кул бўлмаган қолдиқларидан асосий қисми Австралиянинг ғарбий жанубида Ҳинд океанига қулаб тушди.

77,5 тонна оғирликдаги бу станция 1973 йил 14 майда Ер атрофи орбитасига чиқарилганди. Бу станцияда Американинг учта космик экипажи ишлаб қайтган эди. 1974 йил февраль ойидан бошлаб «Скайлэб» станцияси ичида ҳеч ким қолмади ва Ер томонасте-секин пастлаша берди.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ: 9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ёш спортчининг катта майдони. 10.35 — Экваторлик йўловчи. Бадиий фильм. 11.55 — Ҳужжатли фильм. 12.15 — Концерт. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.10 — Скиппи. Бадиий фильм. 9-10-11 серилар. 17.25 — Москва ва москваликлар. 17.55 — Ф. Шопен. Фортепьяно пьесалари. 18.05— Ёшлар адреслари. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ирақ миллий байрами. 20.35 — Улуғ Ватан уруши. Киноэпопея 20-фильм. 21.30 — Вақт. 22.05 — 1979 йил қўшиқлари. 23.25 — Илмий-оммабоп фильмлар. 23.45 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ: 11.30 — Ўйлаб топ. 11.55 — Л. Н. Толстой. Ёшлик. Спектакль 3-қисм. 13.25 — Абитуриентлар учун. Иншони қандай ёзиш керак? 13.55 — «Чарм тўп» совғини учун футбол бўйича республика мусобақалари, финал. 14.30 — Осетия афсонаси. Бадиий фильм. 18.20 — Болалар учун фильм. 18.30 — Ёшлик. 19.00 — Абу Али ибн Сино туғилган кунинг 1000 йиллигига. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Оламга саёҳат. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Вақт. 22.05 — Комплекс механизация — пахтачиликда бош йўналиш. 22.25 — Ўз фикрини ифодалаш.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН: 18.40 — Фильм-концерт. 19.10 — Ғаровга тикилган ҳаёт. Бадиий фильм, 15-серия. 20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Пойтахт области далаларида. 20.55 — Ҳужжатли фильм.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Таниқли артистлар ижро этади. 12.00 — Гулла, яшна, қўриқ ўлка! 13.00 — Беш йиллик илғорлари ҳақида ҳикоялар. 13.30 — Сен ва менинг қўшигим. 14.00 — Ғўзаларни зараркунандалардан сақлаш чоралари. 18.30 — Назоратчилар резервларни топмоқдалар. Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети бўлимининг мудири Т. Хонхўжаев суҳбати. 18.45— Юность Узбекистана. 20.25 — Андижон сув омбори қурувчилари учун концерт. 20.50 — Қувончли ўзгаришлар. 21.00 — Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларига биноан концерт. 22.28 — Р. Роллан. Пьер ва Люс. Повесть асосида радиопостановка. 23.25 — Дам олиш концерти.

●

Узбекистон ССР Социал таъминот министрлигининг

ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1979—1980 ўқув йили учун

УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Уқишга 8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15—25 ёшлилар: ТИКУВЧИ, ПОЙАФЗАЛЧИ, РАДИО-ТЕЛЕМЕХАНИК, БУХГАЛТЕР ИХТИСОСИ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР

Қабул қилинувчилар — инвалид болалар, кўп болали оила фарзандлари, ёлғиз оналарнинг болалари, Улуғ Ватан уруши инвалидларининг болалари олаётган пенсияси ҳақида район социал-таъминот бўлимидан справка кўрсатишлари керак.

Уқувчилар, айни пайтда кечки ишчи-ёшлар мактабининг 9—11 синфи программаси бўйича ўзбек ва рус тилларида кўрс ҳам ўтадилар. Бир кун — умумий таълим, бир кун ишлаб чиқариш таълими. Билим юрти қошида ётоқхона ва ошхона бор.

Уқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: 286-формадаги медицина справкаси, мазкур ихтисос бўйича ўқиши мумкинлиги тўғрисида ВТЭК справкаси (тавсиянома билан), маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), район социал таъминот бўлимидан йўлланма, ўқиш ёки иш жойидан характеристика, директор номига ариза, 3х4 см. ҳажмидаги 4 та фотосурат.

Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: 700113, Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Г. Гулом кўчаси, 47-уй (2, 13, 70-автобуслар, 4, 9, 19-трамвайларнинг «Волгоградская кўчаси», бекати).

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси, Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениеси редакциясининг собиқ ходими, СССР Журналистлар союзининг аъзоси

Ҳамид НУРИЙнинг

вафот этганлигини билдириб, марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўзбекистон Информация агентлиги (ЎзТАГ) коллективи агентликнинг собиқ ходими, СССР Журналистлар союзининг аъзоси

Ҳамид НУРИЙнинг

оғир бетоблиндан сўнг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор этади.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги
Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги

РЕСПУБЛИКА МАҲАЛЛИЙ АҲОЛИСИ ЁШЛАРИДАН МАМЛАКАТИМИЗНИНГ МАРКАЗИЙ ШАҲАРЛАРИДАГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА

1979—1980 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ МАРКАЗИЙ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА АБИТУРИЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ РЕСПУБЛИКАНИНГ ҚУЙИДАГИ ТАЯНЧ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ЮКЛАТИЛГАН

ТОШКЕНТ АЛОҚА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

Москва алоқа электротехника институтига: алоқа корхоналарининг машина ва ускуналари.

Минск раднотехника институтига: раднотехника.

Новосибирск алоқа электротехника институтига: алоқа экономикаси ва уни ташкил этиш.

Севастополь приборсозлик институтига: ахборотларни қайта ишлаш ва тузатишни автоматлаштириш ва механизациялаш.

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

Москва ўрмон-техника институтига: ўрмон саноати ва ўрмон хўжалиги экономикаси; ўрмон ва ёғочсозлик саноати машиналари ва механизмлари.

Ленинград ўрмон-техника академиясига: ўрмон-инженерлик ишлари; ёғочнинг химиявий технологияси; целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқаришнинг химиявий технологияси; ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноати экономикаси ва уни ташкил этиш.

Украина қишлоқ хўжалик академиясига: қишлоқ хўжалиги.

Воронеж ўрмон-техника институтига: ўрмон ва ёғочсозлик саноати машиналари ва механизмлари; ўрмон-инженерлик ишлари; ўрмон саноати ва ўрмон хўжалиги экономикаси ва уни ташкил этиш.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

Москва нефть-химия ва газ саноати институтига: газ ва нефть қувурлари, газ омборлари ва нефть базаларини лойиҳалаштириш ва уларни эксплуатация қилиш; нефть қувурлари, газ омборлари ва нефть базаларининг иншоотлари.

Н. Э. Бауман номли Москва олий техника билим юртига: ички ёниш двигателлари.

Москва пўлат ва қотишмалар институтига: фойдали қазилмаларни бойитиш; қора металлар металлургияси; қора ва рангли металларни қуюб ишлаб чиқариш, металлшунослик; металларни термик ишлаш ускуналари ва технологияси; металларни босим йўли билан ишлаш.

Москва энергетика институтига: электр аппаратлари.

Москва химия-технология институтига: электрохимия ишлаб чиқариши технологияси.

Ленинград кино инженерлари институтига: кино аппаратлари; овоз техникаси; кино-фото материалларнинг химиявий технологияси.

Ленинград кон институтига: фойдали қазилма конларини ер остида ишлашни комплекс механизациялаш ва технологияси; кон саноати экономикаси ва уни ташкил этиш.

Ленинград политехника институтига: машиналар ҳамда металларни босим йўли билан ишлаш.

Ленинград аниқ механика ва оптика институтига: аниқ механика приборлари.

Ленинград инженерлик-экономика институтига: саноат экономикаси ва уни ташкил этиш.

Ленсовет номидаги Ленинград технология институтига: лакларнинг химиявий технологияси; лак-бўёқли қопламаларнинг химиявий технологияси.

Киев политехника институтига: машиналар ҳамда металларни босим йўли билан ишлаш технологияси; машиналар ҳамда полимер материалларни буюмлар ва деталларга айлантириш технологияси; ахборот-ўлчов техникаси; электр шохобчалари кибернетикаси; целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш машиналари ва аппаратлари.

Киев озиқ-овқат саноати технологияси институтига: нон ёпиш, макарон ва кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси; қанд моллари технологияси.

Уфа авиация институтига: машинасозликни автоматлаштириш ва комплекс механизациялаштириш.

Жданов металлургия институтига: металлшунослик; металларни термик ишлаш ускуналари ва технологияси; металларни босим йўли билан ишлаш; металлургия ва пайвандлаш ишлаб чиқариши технологияси.

Владимир политехника институтига: шиша ва металларнинг химиявий технологияси.

Куйбишев политехника институтига: ахборот-ўлчов техникаси.

Қозон химия-технология институтига: электрохимия ишлаб чиқариш технологияси.

Рязань раднотехника институтига: ахборот-ўлчов техникаси.

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

Москва полиграфия институтига: полиграфия саноати экономикаси ва уни ташкил этиш.

Бутуниттифоқ давлат кинематография институтига: кинематография экономикаси.

Ленинград инженерлик-экономика институтига: энергетика экономикаси ва уни ташкил этиш; шаҳар хўжалиги экономикаси ва уни ташкил этиш.

Киев халқ хўжалик институтига: меҳнат экономикаси.

Украина полиграфия институтига: полиграфия саноати экономикаси ва уни ташкил этиш.

Харьков коммунал-қурилиш инженерлари институтига: шаҳар хўжалиги экономикаси ва уни ташкил этиш.

Львов политехника институтига: қурилиш материаллари саноати экономикаси ва уни ташкил этиш.

Волгоград инженерлик-қурилиш институтига: қурилиш экономикаси ва уни ташкил этиш.

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

Москва полиграфия институтига: полиграфия машиналари; китобшунослик ва китоб савдосини ташкил этиш.

Москва бошқарув институтига: қурилишда бошқарувни ташкил этиш.

Москва энергетика институтига: иссиқлик физикаси.

Москва пўлат ва қотишмалар институтига: металлар физикаси.

Украина полиграфия институтига: полиграфия машиналари.

Уфа нефть институтига: нефть ва газ конлари машиналари ва ускуналари.

Днепропетровск инженерлик-қурилиш институтига: қурилишни автоматлаштириш ва комплекс механизациялаштириш.

Киев инженерлик-қурилиш институтига: қурилишни автоматлаштириш ва комплекс механизациялаштириш.

Волгоград инженерлик-қурилиш институтига: саноат ва граждан қурилиши.

Қозон химия-технология институтига: нефть ва газни қайта ишлашнинг химиявий технологияси.

НУКУС ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Москва геодезия, аэрофотосъёмка ва картография инженерлари институтига: картография.

Ленинград инженерлик-қурилиш институтига: табиий ва оқар сувларни тозалаш.

Харьков коммунал-қурилиш инженерлари институтига: табиий ва оқар сувларни тозалаш.

Киев савдо-экономика институтига: товаршунослик ва саноат моллари савдосини ташкил этиш; товаршунослик ва озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этиш.

Астрахань балиқ саноати ва хўжалиги техника институтига: саноат йўли билан балиқ овлаш; ихтиология ва балиқшунослик.

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

Н. Э. Бауман номли Москва олий техника билим юртига: юк кўтариш-транспорт машиналари ва ускуналари.

Киев политехника институтига: гидропневмоавтоматика ва гидропривод.

Харьков политехника институтига: юк кўтариш-транспорт машиналари ва ускуналари.

Брянск транспорт машинасозлиги институтига: юк кўтариш-транспорт машиналари ва ускуналари.

Харьков коммунал-қурилиш инженерлари институтига: шаҳар электр транспорти.

Владимир политехника институтига: ичдан ёниш двигателлари.

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

Москва енгил саноат технологияси институтига: чарм ва мўйна технологияси; полимер плёнкали материаллар ва сунъий чарм технологияси.

Москва химия-технология институтига: органик бўёқлар ва оралиқ маҳсулотларнинг химиявий технологияси; пластик массаларнинг химиявий технологияси.

Ленинград тўқимачилик ва енгил саноат институтига: нотўқима тўқимачилик материалларини ишлаб чиқариш.

Киев енгил саноат технологияси институтига: чарм бўюмларни конструкциялаш.

Қозон химия-технология институтига: пластик массаларнинг химиявий технологияси.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Москва нефть-химия ва газ саноати институтига: радиацион химия.

Москва давлат университетига: математика; механика; астрономия; физика; генетика; микробиология.

Ленинград давлат университетига: сиёсий иқтисод; журналистика.

Москва ингичка химия технологияси институтига: махсус электрон техника материаллари технологияси; нодир ва сочма элементларнинг химиявий технологияси; биологик актив бирикмаларнинг химиявий технологияси.

Киев давлат университетига: амалий математика; радио-физика ва электроника; илмий коммунизм.

Минск раднотехника институтига: ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар.

Рязань раднотехника институтига: ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар; электрон приборлар.

Қозон давлат университетига: илмий коммунизм.

ЎЗБЕКИСТОН ССР КИНЕМАТОГРАФИЯ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

Бутуниттифоқ давлат кинематография институтига: кинорежиссёрлик, тасвирий санъат.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

Москва давлат маданият институтига: кутубхонашунослик ва библиография.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИ

Москва олий бадиий-саноат билим юртига: декоратив-амалий санъат; интерьер ва ускуналар.

Мухина номли Ленинград олий бадиий-саноат билим юртига: декоратив-амалий санъат; интерьер ва ускуналар.

П. И. Чайковский номли Москва давлат консерваториясига: фортепьяно; оркестр асбоблари; хор дирижёрлиги; музикашунослик.

В. И. Суриков номли Москва давлат рассомлик институтига: тасвирий санъат.

Гнесин номли давлат музика-педагогика институтига: фортепьяно.

Москва давлат маданият институтига: маданий-оқартув ишлари.

И. Е. Репин номли Ленинград тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик ва архитектура институтига: тасвирий санъат.

Римский-Корсаков номли Ленинград давлат консерваториясига: опера-симфония дирижёрлиги; ашула.

Киев давлат рассомчилик институтига: тасвирий санъат.

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРЛИГИ

АНДИЖОН МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

2-Москва медицина институтига: биофизика; биохимия.

Волгоград медицина институтига: стоматология.

Днепропетровск медицина институтига: стоматология.

САМАРҚАНД МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

Доғистон медицина институтига: стоматология.

Полтава медицина институтига: стоматология.

ТОШКЕНТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

Қозон медицина институтига: стоматология.

1979—80 ЎҚУВ ЙИЛИДА ФРУНЗЕ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИДА КООПЕРАТИВЛАШГАН ҲОЛДА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЕРЛАШ УЧУН АБИТУРИЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ҚАБУЛ ҚУЙИДАГИ ИНСТИТУТЛАРДА ЎТКАЗИЛАДИ:

Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтида: консервалаш технологияси; гўшт ва гўшт маҳсулотлари технологияси; сут ва сут маҳсулотлари технологияси.

Фарғона политехника институтида: консервалаш технологияси; сут ва сут маҳсулотлари технологияси.

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ОЛИЙ ПЕДАГОГИКА ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА КООПЕРАЦИЯЛАШГАН ҚАБУЛНИ ЎТКАЗАДИЛАР.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қизил Ўрда давлат педагогика институтига: она тили ва адабиёт.

Қозоғистон давлат педагогика институтига: она тили ва адабиёт; математика; физика; география; тарих; чизмачилик; расм ва меҳнат.

Чимкент давлат педагогика институтига: она тили ва адабиёт; математика; физика; педагогика ва бошланғич таълим методикаси.

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Душанба давлат педагогика институтига: она тили ва адабиёт; математика; биология; география; тарих; педагогика ва бошланғич таълим методикаси.

Ленинобод давлат педагогика институтига: математика; физика.

БУХОРО ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Туркманистон давлат педагогика институтига: математика; физика; биология; география; тарих.

АНДИЖОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қирғизистон хотин-қизлар педагогика институтига: математика; педагогика ва бошланғич таълим методикаси; химия.

РЕСПУБЛИКА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Москва давлат педагогика институтига: рус тили ва адабиёти.

Иваново давлат университетига: рус тили ва адабиёти.

Курск давлат педагогика институтига: рус тили ва адабиёти.

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Саратов давлат педагогика институтига: рус тили ва адабиёти.

НАМАНГАН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Ставрополь давлат педагогика институтига: рус тили ва адабиёти.

ХОРАЗМ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Каменец-Подольск давлат педагогика институтига: рус тили ва адабиёти.

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Кировоград давлат педагогика институтига: рус тили ва адабиёти.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Николаев давлат педагогика институтига: рус тили ва адабиёти.

АНДИЖОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Херсон давлат педагогика институтига: рус тили ва адабиёти.

ФАРҒОНА ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Харьков давлат педагогика институтига: рус тили ва адабиёти.

СИРДАРЁ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Таганрог давлат педагогика институтига: рус тили ва адабиёти.

БУХОРО ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Ворошиловград давлат педагогика институтига: рус тили ва адабиёти.

Белгород давлат педагогика институтига: рус тили ва адабиёти.

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Белгород давлат педагогика институтига: рус тили ва адабиёти.

ҚАРШИ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Белгород давлат педагогика институтига: рус тили ва адабиёти.

НУКУС ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Таганрог давлат педагогика институтига: рус тили ва адабиёти.

Қабул қилиш қоидалари

Мамлакатнинг марказий олий ўқув юртларига ва кооператив йўли билан қабул бўйича кириш имтиҳонлари ҳам шу юқорида кўрсатилган олий ўқув юртларига 1—20 август кунлари ўтказилади.

Санъат, журналистика ихтисослари бўйича конкурсдан ташқари қабул тартиқасида олий ўқув юртига кирувчилар ўқитишга юборилган олий ўқув юртларида барча фанлардан кириш имтиҳонлари топширадилар. Санъат ва журналистика ихтисослари бўйича кириш имтиҳонлари ва ижодий конкурс ана шу олий ўқув юртлари учун белгиланган муддатларда ўтказилади.

Марказий олий ўқув юртларига юбориш учун номзодлар 1979—80 ўқув йилига белгиланган олий ўқув юртларига қабул қоидаларига тўла мувофиқ равишда, барча фанлардан яхши ва аъло баҳолар билан кириш имтиҳонларини топширганлар ва мазкур олий ўқув юртларида ўқиш истагини билдирганлар ичидан танлаб олинади. Бунда амалий иш тажрибасига эга бўлган, шунингдек СССР Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилиб запасга чиқарилган шахслар тегишли имтиёзлардан фойдаланадилар.

Марказий олий ўқув юртларига ва кооператив йўл билан иттифоқдош республикаларда олий ўқув юртларига кирадиган кишилар тегишли таянч олий ўқув юрти ректори номига 2 та ариза берадилар ва унга ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжатини (асли), 286-формадаги медицина справкасини, 3 х 4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосуратни, меҳнат стажи бўлса корхона ёки муассаса раҳбарлари томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасидан кўчирма ҳамда олий ўқув юртига кириш учун характеристика илова қиладилар.

Марказий олий ўқув юртларига қабул қилинган абитуриентлар ётоқ ва стипендия билан таъминланадилар, ўқиш тамом бўлгандан кейин эса олган ихтисослари бўйича Ўзбекистон ССРга ишга юборилади.

Мамлакат марказий олий ўқув юртларига ва кооперациялашган тарзда қабул бўйича олий ўқув юртларига кириш конкурсидан ўтолмай қолганлар тегишли таянч олий ўқув юртига кириш конкурси ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Юқорида кўрсатилган олий ўқув юртларига юборилган шахслар республика олий ўқув юртларининг тажрибали педагоглари раҳбарлигида ва тегишли министрликларнинг (идораларнинг) йўлланмалари билан ташкилий равишда жўнаб кетадилар.

8-синф маълумоти бўлганлар қуйидаги касблар бўйича уч йиллик ўқишга қабул қилинади: контрол-ўлчов приборлари ва автоматикаси ремонти бўйича слесарь, ёритиш асбоблари, кучланиш тармоқлари ва электр асбоб-ускуналари бўйича электромонтажчи, юқори вольтли электр ўтказиш линиялари монтажи ва ремонти бўйича электромонтёр, автомобиллар ремонти бўйича слесарь, электр пайвандловчи.

15 ва ундан юқори ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқувчилар уч марта иссиқ овқат, кийим-кечак билан таъминланадилар, ишлаб чиқариш практикаси даврида пул билан тақдирланадилар. Билим юртини тамомлаб чиққанларидан кейин диплом берилиб, унда ўқувчи касб ва ўрта маълумот олганлиги кўрсатилади. Билим юртини аъло баҳолар билан битириб чиққан ўқувчилар олий ўқув юртларига юборилади.

Ўрта маълумоти бўлганлар қуйидаги касблар бўйича бир йиллик ўқишга қабул қилинади: контрол-ўлчов приборлари ва автоматикаси ремонти бўйича слесарь, юқори вольтли электр ўтказиш линиялари монтажи ва ремонти бўйича электромонтёр, станция ва подстанцияларнинг тақсимлагич мосламалари бўйича слесарь, автомобиллар ремонти бўйича слесарь.

Ўқувчилар ўқиш жараёнида 30 сўм миқдорида стипендия оладилар, ишлаб чиқариш практикаси даврида эса стипендиядан ташқари пул мукофоти оладилар. Билим юртини тамомлаб чиққанларидан кейин аттестат берилади. Билим юртини аъло баҳо билан битириб чиққан ўқувчилар олий ўқув юртларига юборилади.

Совет Армияси сафидан запасга бўшатилган ва ўрта мактаби тамомлаб чиққан кишилар қуйидаги ихтисослар бўйича қисқа муддатли ўқиш курсига қабул қилинадилар: юқори вольтли электр узатиш линияларини монтаж қилиш ва ремонт қилиш бўйича электромонтёр, қозон агрегатлари бўйича машинист ёрдамчиси, қувур агрегатлари бўйича машинист ёрдамчиси, электрослесарь, иссиқлик билан ишловчи кучланиш асбоб-ускуналарининг ремонти бўйича слесарь, электр пайвандловчи (электр асбоб-ускуналарининг монтажчиси).

Ўқувчилар қисқартирилган программа билан шуғулланадилар ва ўқиш даврида 75 сўм миқдорида стипендия, шунингдек ишлаб чиқариш практикаси даврида пул мукофотлари оладилар. Битириб чиқувчилар билим юртини тамомлаганларидан кейин белгиланган формада аттестат оладилар.

Битириб чиқувчиларнинг ҳаммаси билим юртини тамомлаганларидан кейин Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги корхоналарида ишлайди. Тошкент шаҳрида яшовчи ўқувчиларга автобус хизмат кўрсатади. Билим юртининг ётоқхонаси бор.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, медицина справкаси (286-форма), турар-жойдан справка, 3х4 см. ҳажмли 3 дона фотосурат.

Туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, паспорт, ҳарбий хизмат гувоҳномаси, ҳарбий билет шаҳсан кўрсатилади.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адресимиз: 702169, Тошкент области, Оржоникидзе районы, ТашГРЭС поселкаси (111, 115-автобуслар, «Олой» бозоридан қатнайди «ТашГРЭС поселкаси» бекати). Телефонлар: 62-12-16, 62-12-51, қўшимча телефонлар 6-12, 3-18, 8-05, 6-26.

УЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ МИНИСТРЛИГИ БАЗАСИДАГИ

104-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1979—1980 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Р. 02999. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Е. — 159.